

*Ko'ngil durji ichra
guhar so'zduzur,
Bashar gulshanida
samar so'zduzur.*

Alisher NAVOIY



Ma'rifat

Kuch - bilim va tafakkurda

ENLIGHTENMENT

XALQ ZIYOLILARI GAZETASI

معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan

2004-yil 20-oktabr, chorshanba

№ 85 (7694)

ТИНЧЛИК, БАРҚАРОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 17-18 октябрь кунлари Тожикистон Республикаси пойтахти Душанбе шаҳрида бўлиб, «Марказий Осиё ҳамкорлиги» (МОХ) ташкилотига аъзо Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида иштирок этди.

Таъкидламоқ жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон Республикаси Президенти Аскар Акаев, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин ва Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмонов иштирок этган мазкур саммит МОХ ўз тараққиётининг янги босқичига қадам қўйганини, фаолияти янгича мазмун билан бойий бошлаганини кўрсатди. МОХ сафи янада кенгайди — Россия Федерацияси унга тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб кирди. Президент Ислон Каримов таъбири билан айтганда, «Россиянинг МОХга аъзо бўлиши табиий ва қонуний жараёндир». Негаки «Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорлик бўлишидан Россия манфаатдор».

Ўзбекистон Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Тожикистон Республикаси ўртасида 2002 йил 28 февралда имзоланган «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилотини таъсис этиш тўғрисидаги шартномага, Ўзбекистоннинг ташаббуси билан, Россия Федерациясининг қўшилишига оид қарор қабул қилинди.

Ислон Каримов минтақамизда Россия ўз манфаатларига эга эканини алоҳида таъкидлади. Бинобарин, Россиянинг қўшилиши МОХнинг салоҳият ва имкониятларини янада оширади, фаолиятини янги мазмун билан бойитади.

Маълумки, ташкилот аъзолари анча вақтдан буён Марказий Осиё минтақасида сув-энергетика, озиқ-овқат ва транспорт консорциумларига

оид концепцияларни муҳокама этиб келади. Душанбе саммитида минтақа мамлакатлари мазкур соҳаларда бир-бири билан узвий боғлангани таъкидланди. Ягона консорциумларнинг тузилиши муайян соҳаларда энг камхарж, энг қулай савдо-сотиқни йўлга қўйиш имконини беради. Энергетика таъминотидаги узилишлар ва транспорт қатновидаги англашилмовчиликларнинг олди олинади.

Иқтисодиётга оид жиноятларга қарши курашда ҳам консорциумларнинг аҳамияти катта бўлишига шубҳа йўқ. Зеро, ноқонуний савдога ўрин қолмайди, божхона қоидаларининг бузилишига йўл қўйилмайди. Яна бир аҳамиятли томони шуки, бундай консорциумларни ташкил этишда Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислон тараққиёт банки каби нуфузли халқаро молия муассасалари ҳам қатнашиш истагини билдирмоқда. Президентлар консорциумлар тузиш концепцияларини атрофлича муҳокама қилиб, аъзо мамлакатлар ҳуқуқатларига бир ойда тегишли битимлар лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифасини топширишга келишиб олдилар.

Мазкур уч консорциум Президент Ислон Каримов томонидан илгари сурилган Марказий Осиё умумий бозорини барпо этиш ташаббусининг мантиқий самарасидир. Саммит қатнашчилари умумий бозорни шакллантириш концепцияси лойиҳасини тасдиқладилар.

Президентлар иқтисодий соҳадаги алоқалар юзасидан фикр алмашар экан, ишбилармон доиралар вакилларининг анжуманларида эришилган натижаларни ҳаётга кенгроқ татиқ этишга доир масалаларни ҳам муҳокама қилдилар. Ишбилармонларнинг бевосита мулоқотларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириб бориш зарурлиги қайд этилди.

(Давоми 2-бетда)

ЭРТАГА ЎЗБЕК ТИЛИГА ДАВЛАТ ТИЛИ МАҚОМИ БЕРИЛГАНИГА 15 ЙИЛ ТУЛАДИ

(8-9-бетларга қаранг)



Гўзал гапирмоқ учун тилни чуқур билмоқ керак. Ўқувчи тилни қанчалик мукамал эгаллаб боргани сари унинг нутқи ҳам равланшиб бораверади. Тилнинг гўзаллигини ўқувчи онгида қай даражада ҳис қилдири олиш эса, муаллим маҳоратига боғлиқдир. Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек туманидаги 64-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, ёш муаллима Шоира Раупова ўқувчиларни нафақат тил байрами арафасида, балки бутун ўқув йили давомида она тилини чуқур ўрганишга, уни ардоқлашга даъват этади. Дарсларида ўз ижодидан намуналар айтиш билан машғулоти янги педагогик технология асосида олиб боришга интилади.

Суратда: ёш ўқитувчи Шоира Раупова 7-«А» синф ўқувчиларига она тилидан дарс ўтаётган лаҳза акс этган.

Бурхон РИЗО олган сурат.

SO'NGGI

UCH KUN

MUJ DALARI

TABRIK

Navoiy viloyati dehqonlari davlatga 110 ming tonnadan ortiq paxta xom ashyosi topshirib, shartnoma majburiyatini ado etganligi munosabati bilan viloyat mirishkorlariga O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Islom Karimov tabrik xati yo'lladi.

(Davomi 2-бетда)

Ibrat

Izboskan tumanidagi To'rtko'l qishlog'i yoshlari uchun 900 o'rinli, zamonaviy ko'rinishga ega bo'lgan agrasanoat kasbhunar kolleji qurib bitkazildi.

GAZETANI VARAQLAGANDA:

**МУХТАРАМ НОМЗОД,
ДАСТУРИНГИЗ НИМАСИ
БИЛАН АФЗАЛ?**

3-бет

**ТЎГАРАККА ЖАЛБ
ҚИЛИНГАН ЎҚУВЧИ**

салбий таъсирлардан
ҳимояланади

4-бет

ФОИЗ ЎРНИГА БАҲО

ёхуд яна баҳолаш тизими
ҳақида

6-бет

**БИТИРУВЧИ СИНФ:
МУАММО ВА ЕЧИМ**

7-бет

**ТАЪЛИМДА ЧЕТ ЭЛ
ЛОЙИҲАСИ**

унинг ўрта махсус, касб-хунар
таълими ривожига ўрни қандай?

10-бет

**ДАРСНИ
ҚАНДАЙ ЎТАСИЗ?**

11-бет

**БОЛАНING БЕЛИНИ,
ОТАНИНГ КЎНГЛИНИ
СИНДИРАДИГАН
ИЛЛАТ**

14-бет

**ЯПОНЧА
КРОССВОРД**

16-бет

SO'NGGI
UCH KUN
MUJDALARI

(Davomi. Boshi 1-betda)

SAMIMIY
QUTLOVLAR

Muborak Ramazon oyi kirib kelishi munosabati bilan O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Islom Karimov nomiga Saudiya Arabistoni Podshohi Fahd bin Abdulaziz As-Saud va Tunis Respublikasi Prezidenti Zayn al-Obiddin bin Alidan samimiy tilaklar bitilgan tabrik maktublari keldi.

ХАЛҚ БИЗГА ФАРЗАНДИНИ ИШОНИБ ТОПШИРГАН

Куни кеча мамлакатимиз Президентининг Фарғона вилоятига ташрифи ва халқ депутатлари вилоят сессиясида сўзлаган нутқини биз таълим ходимлари ҳам диққат билан кузатдик. Куюнчаклик билан айтилган фикрларнинг нақадар тўғри эканлигини эътироф этдик. Айниқса, Юртбошимизнинг «Шу азиз Ватан кимларга қолади? Албатта, интеллектуал салоҳиятли ёшларга. Улар, фақат уларгина Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятида шухратини ёйиши мумкин», деб айтган гаплари мени жуда тўлқинлантириб юборди.

Дарҳақиқат, интеллектуал салоҳиятли ёшларни тарбиялаш биз — мураббийларнинг вазифасидир. Бугунги кунда кадрлар масаласи жуда қийинлиги, муносиб кадрни топиб, жойига қўйиш ўйлантираётган муаммо. Унинг пайдо бўлиши ўқитувчиларнинг камчилиги деб ўйлайман. Агар биз мактаб парталаридан ёшларни ўз иқтидори, лаёқати ва билимига мос касб танлашга йўналтирсак, бундай муаммо бўлмаслиги мумкин эди.

Бу ўқув йилидан ўқитувчилар фаолияти учун яратилган шароитни ҳам-

мамиз хурсандчилик билан кутиб олдик. Илгари икки ставкадан ишлаб эга бўладиган моддий манфаатдорликка, энди бир ставка ижодкорлик билан ишлаб эга бўлиши мумкин. Шунда ўқитиш сифати ҳам юқори бўлади.

Бундан 6 йил муқаддам Ватанимиз ёшлари Президентимизнинг дунё ҳамжамиятида юксак баҳоланган

Munosabat

«Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли асарига ўз муносабатларини «Акс садо» телекўрсатувида ифода этган эдилар. Юртбошимиз Қашқадарё вилояти сессиясида «Марғилонлик ёшларнинг фикрларида, янги тафаккур эгаларида меҳнатларим самарасини кўрмоқдаман. Улар баъзи катталарга ҳам маънавият нима эканлигини тушунтириб беришди», деб муносиб баҳо берганди. Ўтган йиллар мобайнида халқимиз, хусусан, ёшларимиз маънавиятнинг мазмун-моҳиятини тўла

англаб етишди. Мен ва менинг касбдошларим ёшлар онгига «Ватан туйғуси», «Миллий истиқлол гоёси ва маънавият асослари»ни сингдирар эканмиз, бу юксак ишонч рағбат ва илҳом бериб туради. Бугун мактабларда ҳақиқий фидойи ўқитувчилар қолди. Узоқ манзилга етишга ярамайдиганлари эса, йиллар давомида йўлда қолиб кетяпти.

Бизга халқнинг фарзандлари ишониб топширилган. Бу юксак ишончни оқлаб, эртанги кун ворисларининг маънавий баркамол бўлиб камол топишларига камарбастамиз. Халқимиз орзу қилган фаровонликка, албатта, эришамиз. Бунинг учун биз, халқ таълими ходимлари, доимо ўз зиммамиздаги вазифаларни виждонан бажариб, ўқувчиларимизни турли зарарли оқимлар таъсиридан ҳимоя қилиб, уларни ҳар қандай таҳдидларга қарши кураша оладиган мустақил фикрли, дунёқараши кенг, чуқур билимли ва ватанпарвар ёшлар қилиб вояга етказамиз.

Зубайда АХМЕДОВА,
Марғилон шаҳридаги «Истикбол»
гимназияси ўқитувчиси

ТИНЧЛИК, БАРҚАРОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА

(Давоми.
Боши 1-бетда)

Президент Ислам Каримов шу йилнинг сентябрида Остонада ўтган МДХ саммитида террорчилик ва экстремистик ташкилотлар ҳамда уларнинг раҳбарларининг рўйхатини тузиш, шу тариқа ҳар бир аъзо мамлакатда бундай ташкилотларни таъқиқлаш ташаббусини илгари сурган ва бу ташаббус ҳамдўстликка аъзо мамлакатлар томонидан қўллаб-қувватланган эди. Душанбе саммитида бу масала яна бир бор кўриб чиқилди. Жумладан, Президент В.Путин Россия Ўзбекистоннинг бу борадаги дадил қадамларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашини алоҳида таъкидлади.

Бу таклифнинг долзарблигини эътиборга олиб, Душанбе саммитида ушбу масала бўйича тегишли қарор қабул қилинди.

Хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва махсус хизматларга террорчилик ҳамда экстремистик ташкилотлар, уларнинг раҳбарлари ва аъзоларининг рўйхатини тузиш топширилди. Президентлар МДХнинг бошқа аъзоларини ҳам шундай йўл туташга даъват этдилар.

Террорчиликнинг усуллари тобора мураккаблашмоқда, бу иллат наркотик моддалар ва курул-яроғ контрабандаси, диний экстремизм ва уюшган жиноятчилик билан чамбарчас боғлиқ. Дунёда юз бераётган воқеалар хавфсизликни таъминлаш масаласи гоёта жиддий

тус олаётганини ва бу муаммони фақат ҳамкорликда ҳаракат қилиш билан бартараф этиш мумкинлигини кўрсатмоқда.

Музокаралар чоғида президентлар бу борада яқдил эканлигини таъкидладилар. Марказий Осиёда барқарорлик ва тинчликнинг мустаҳкам таъминланиши муайян даражада Афғонистондаги вазиятга ҳам боғлиқ. «Афғонистонда тинчлик ўрнатилмас экан, Марказий Осиёда хотиржамлик бўлмайди, — деди Ислам Каримов. — Афғонистон минтақамизнинг нафақат географик, маданий-тарихий, балки геостратегик жиҳатдан ҳам муҳим бўлагидир. Шу боис ушбу мамлакатнинг ташкилотимизга аъзо бўлиш учун интилаётгани мантиқан тўғридир».

Шу жиҳатдан қараганда Давлат раҳбарлари кенгашининг кенгайтирилган тартибдаги мажлисида Афғонистон вице-президенти Ҳидоят Амин Арсало кузатувчи сифатида иштирок этгани муҳим аҳамиятга молик. МОХга аъзо давлатлар раҳбарлари Афғонистонни тиклаш ишларида яқиндан ҳамкорлик қилиш ва фаолликни ошириш ҳақида фикрлашдилар. Бунда расмий Қобул вакилининг бевосита қатнашиши ҳар томонлама фойдали бўлди.

Музокаралар якунида МОХ ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг Қўшма баёноти қабул қилинди.

Матбуот анжуманида президентлар кўрилган барча маса-

лалар юзасидан фикрлар бир жойдан чиққанини, музокаралар очиклик ва самимий руҳда ўтганини таъкидладилар. МОХ долзарб ва мураккаб муаммоларни ечаётганлиги, бу эса унинг нуфузли минтақавий ҳамкорлик ташкилотига айланганидан далолат эканлиги қайд этилди.

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов Тожикистон раҳбари Имомали Раҳмонов билан учрашди. Суҳбат икки томонлама муносабатларни янада ривожлантириш, минтақавий хавфсизлик масалаларига бағишланди. Президентлар МОХ фаолиятини такомиллаштиришга оид масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар. Шунингдек, мамлакатимиз раҳбари Россия Президенти Владимир Путин билан музокара ўтказди. Мулоқот чоғида турли соҳалардаги Ўзбекистон-Россия ҳамкорлигини кенгайтириш масалалари муҳокама этилди. Ислам Каримов ва Владимир Путин мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар икки ва кўп томонлама асосда изчил ривожланаётганидан мамнуният билдирдилар. Суҳбат чоғида МОХ доирасидаги интеграция жараёнларини ривожлантириш ва умуминтақавий муносабатларни янада фаоллаштиришда Ўзбекистон-Россия ҳамкорлиги муҳим омил бўлаётгани таъкидланди.

Анвар БОБОЕВ,
ЎЗА махсус мухбири.
Тошкент—Душанбе—
Тошкент

ҚЎМИТА ЙИҒИЛИШИДА ҚОНУН ИЖРОСИ МУҲОКАМАСИ

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ёшлар ишлари қўмитасининг раиси Азамат Зиё олиб борди.

Унда «Таълим тўғрисида»ги қонун талабларининг вилоятда бажарилиши юзасидан вилоят ҳокимининг ўринбосари Х.Кетмонов ахборот берди.

Кун тартибидagi масала юзасидан вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Ҳ.Охунов ва вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси бошлиғи М.Назаров сўзга чиқдилар.

Йиғилишда вилоятда «Таълим тўғрисида»ги қонун ижросини амалга оширишда йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этиш, бу борада фойдаланилмаётган имкониятларни ишга солиш юзасидан зарур чоралар белгилаб олинди.

О.СИДДИҚОВ

УЧ МИНГ ТАЛАБА ЎРГАНАДИ

Жорий йил 19 октябрдан 21 октябрга қадар Тошкентда компьютер билимлари кунлари бўлиб ўтади. Тадбир TS-Technology компанияси ва Intel халқаро корпорацияси томонидан CAPITAL-BANK иштирокида ташкил этилди. Мақсад олий мактабда мамлакат иқтисодиётининг турли соҳаларида ишлаш учун тайёрланаётган бўлғуси мутахассислар компьютер саводхонлиги даражасини ошириш ва замонавий ахборот технологиялари ҳақидаги билимларини кўпайтиришдир. Уч кун мобайнида 3 минг талаба илгор компьютер технологиялари, TS-Technology ва Intel нинг энг сўнги янгиликлари билан танишади, уларни ўқиш жараёнида қўллаш афзалликларини баҳолай олишади.

Тадбир ниҳоясида TS-Technology компанияси Intel корпорацияси билан биргаликда 500 киши иштирок этадиган якуновчи семинар ўтказилади.

Биринчи тушунча: Депутат.

Тўғрироғи, номзод. Қарийб 120 минг фуқаронинг ҳукуматдаги вакили бўлишни истайди. Зиммасига улкан масъулиятни олмақчи. Сайловгача у ўз позициясини аниқ билади — халқ томонида бўлиши лозим! Фуқаролар ташвишлари, ижтимоий муаммоларининг ечимини топиш, уларнинг орзулари ва истакларини рўёбга чиқариш ташвиши билан яшаши, ишлаши керак! Чунки уни ўша халқ сайлайди, унга шу фуқаро овоз беради. Уларнинг хоҳиш-иродасини ифода этиш, манфаатини ҳимоя қилиш — бош мақсади. Депутат келгусида қабул қилинадиган қонун ҳужжатларида ўз сайловчиларининг ижтимоий талабларини кўпроқ акс эттиришда собитқадам бўлса, бундан ҳам жамиятга, ҳам давлатга манфаат етади.

Бунинг учун биргина нарса — сайловчидан ҳушёрлик талаб этилади, сайлов-олди жараёнларида номзодларга, уларнинг дастурий мақсадларига бефарқ бўлмаслик керак.

Иккинчи тушунча: Депутатликка номзод. Мамлакатимизда фаолият олиб бораётган бешта сиёсий тузилма (Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси, Ўзбекистон миллий тикланиш демократик партияси, Ўзбекистон Фидокорлар миллий-демократик партияси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати—Ўзбекистон Либерал-демократик партияси) лардан бирининг вакили. Партия ҳокимиятда кўпроқ жойни банд этиш орқали ўз мақсадларини рўёбга чиқаришни кўзлайди. Унинг сайлов жараёнида голиб чиққан ҳар бир номзоди Олий Мажлисда қарийб 120 минг сайловчининг хоҳиш-истагини ифодалайди. Ўша 120 мингнинг таркибида МЕН ҳам борман. Мен сайловчи сифатида бир лаҳза "фаолият" кўрсатаман.


Мен шу бир лаҳзада овоз берган номзод беш йилга депутатликка сайланади ва шу муддат давомида МЕНинг, БИЗнинг номимиздан фаолият олиб боради. Мен овоз берадиган номзод менинг номимдан иш кўришга лойиқ, деб ҳисобласам бўладими? Унинг (яъни, партиянинг) мақсадлари менинг, фарзандларимнинг, яқинларимнинг орзу-интилишларини нечоғли ифодалайди? Сайловчи сифатида ҳеч бўлмаганда шу каби саволларга жавоб топишим, топган жавобларимни мулоҳаза чигиригидан ўтказишим керак. Бу муаммони ечишда депутатликка номзодларни яхшилаб эшитиш, ўрганиш, уларни бир-бири билан (сайловолди дастурлари мазмуни, моҳияти, ижтимоий

лаб юборилди. Дейлик, турли сиёсий партияларга мансуб номзодлар билан танишиб чиқдингиз. Деярли барчасининг мақсадлари муштарак — жонажон юртимизни обод қилиш, халқимизни фаровон турмуш даражасига етказиш, келажакка озод ва обод ватан қолдириш. Бу сизу бизнингда ниятимиз, маслагимиз. Илоҳим, шундай бўлсин.

Тўғрида, масалан, СИЗ! Яшайсиз. Ишлайсиз. Ўқиясиз. Тинчлик, хотиржамликда бола-чақани ўстираясиз. Бир қарашда шунинг ўзи кифоя қилади. Лекин, улкан имкониятлар макони бўлган мустақил юртда, табиий бойликлари мўл мамлакатда, беқиёс интеллектуал ва ижтимоий-иқтисодий салоҳиятга эга жамиятда бун-

муш даражасини мақтагандан кўра, ўзининг шу даражага етишинг учун курашганинг афзал. Ана шундай яхши маънодаги курашиш учун сиёсий ҳуқуққа эгалгимиз бир имконият бўлса, ундан оқилона фойдаланиш минг масъулиятдир. Имконият. Курашиш имконияти. Бу жумлаларни бежиз таъкидламадик. Чунки сайловолди жараёнларида танишган номзодларимиздан кўнглимиз тўлмаса, биз албатта улардан бирининг номзодини қўллаб, овоз беришимиз шарт эмас. Энди фуқаро ёки сайловчи бутун орзу-интилишлари, мақсад-муддаолари, хоҳиш-истакларининг ҳимоячиси сифатида депутатликка ўз номзодини кўрсатиши мумкин. Ушбу юмуш ҳам жуда мураккаб ёки қийин иш

**Сайловга
67 кун қолди**



ланади. Сайлов округи сайловчилар ташаббускор гуруҳи ҳужжатларини маъқулласа, улар мазкур сайлов округидаги сайловчиларнинг камида саккиз фоизининг шу номзодни қўллаб-қувватловчи овозини тўплаши керак. Барча тайёрланган ҳужжатлар ва имзолар ҳолислиги аниқлангач, номзод Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинади. Мазкур жараёнлар қонун билан тартибга солинади ва кафолатланади.

Сарлавҳамизнинг мазмуни ҳам шу эди. Сайловчи сифатида номзодларга, уларнинг дастур ва сайловолди фаолиятига жиддий аҳамият бериш нафақат ҳуқуқ, балки имконият ҳамдир. Демак, ўз номзодингиз, сизнинг тақдирингизга дахлдор ишларни амалга оширишга муносиб бўлган инсонлар бўлажак сайловларда муваффақият қозониши сизнинг фаоллигингизга боғлиқ. Эртанги кунингизга, фарзандларингиз тақдири ва келажакдаги бефарқ бўлмасангиз, фуқаролик ҳуқуқингизга энг масъулиятли бурч сифатида ёндошинг!

Фахриддин КАРИМОВ

**МУҲТАРАМ НОМЗОД,
ДАСТУРИНГИЗ НИМАСИ
БИЛАН АФЗАЛ?**

**Агар сайловчида шундай савол бўлмаса,
у ўз тақдирига бефарқдир**

аҳамияти бўйича) қиёслаш кўпроқ самара беради...

Учинчи, бешинчи ва ҳоказо тушунчалар ҳам йўқ эмаслиги табиий. Ҳар не бўлганда ҳам, сайловчида номзод дастури ёки маълум бир партиянинг ўз номзоди тимсолида илгари сураётган ғоялари, мақсадлари, режаларига нисбатан қизиқиш бўлмаслиги унинг ўз тақдирига бефарқлигини кўрсатади. Нима қилиш керак? Ҳозир сайловолди жараёнлари бош-

дан ҳам кўпроқ нарсаларга эришиш мумкин ва СИЗ — Ўзбекистон фуқароси сифатида бунга муносибсиз. Буни чуқур аглаш, гуруҳ билан ҳис қилиш жоиз. Бизнинг жамиятимизда, агар таъкидлаганимиздек, турмуш тарзи ва даражаси сизни қаноатлантирмаса, ўзингиз хоҳлагандек яшаш учун курашишингиз ҳам мумкин. Албатта, бошқа бировларнинг, аниқроқ айтадиган бўлсак, ўзга мамлакат фуқароларининг тур-

эмас. "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги қонуннинг 20-моддасига биноан, депутатликка номзод кўрсатмоқчи бўлган фуқаро ёки фуқаролар гуруҳи ўзлари тегишли бўлган сайлов округида камида 300 кишидан иборат сайловчилар ташаббускор гуруҳини тузиши керак. Гуруҳ йиғилишининг қарорига кўра номзод ва шу гуруҳ номидан сайлов округига мурожаат этувчи ваколатли вакил белги-

Saylov savodxonligi

**ДЕПУТАТЛИККА НОМЗОДЛАРНИНГ
ЎТТИЗ ФОИЗИ ХОТИН-ҚИЗЛАР
БЎЛИШИ КЕРАК**

— Депутатликка номзод кўрсатиш қачон бошланади?

— Депутатликка номзодлар кўрсатиш сайловга олти беш кун қолганида бошланади ва сайловга қирқ беш кун қолганида тугайди. Депутатликка номзодлар сиёсий партияларнинг юқори органлари томонидан кўрсатилади. Сиёсий партиялар депутатликка бир юз йигирма нафар номзод, яъни ҳар бир сайлов округидан биттадан депутатликка номзод кўрсатишга ваколатлидир. Бир шахс фақат битта сайлов округидан депутатликка номзод этиб кўрсатиши мумкин. Депутатликка номзод танлаш тартибини сиёсий партияларнинг ўзлари ҳал этадилар. Хотин-қизлар сони сиёсий партиялардан кўрсатилган депутатликка номзодлар умумий сонининг камида ўттиз фоизини ташкил этиши лозим. Сиёсий партиялар фақат ўз партияси аъзоларини ёки партиясизларни депутатликка номзод этиб кўрсатишга ваколатлидир. Депутатликка номзодлар кўрсатиш тўғрисида баённома тузилади.

**ШИКОЯТЛАРНИ КЎРИБ
ЧИҚИШ**

— Сайлов комиссияларининг қарорлари устидан шикоят қилиш мумкинми?

— Депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партияларнинг органлари, депутатликка номзодлар, ишончли вакиллар, кузатувчилар ва сайловчилар сайлов комиссияларининг қарорлари устидан ана шу қарор қабул қилинганидан кейин ўн кун ичида юқори сайлов комиссиясига ёки судга шикоят қилишлари мумкин. Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари устидан қарор қабул қилинганидан кейин ўн кун ичида Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят қилиниши мумкин. Шикоят келиб тушганидан кейин уч кун ичида, сайловга олти кундан кам вақт қолганда эса дарҳол кўриб чиқилиши керак.

ДЕПУТАТЛИККА НОМЗОД КЎРСАТИШ ҲУҚУҚИ

— Депутатликка номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига кимлар эга?

— Депутатликка номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига сиёсий партиялар ва бевосита фуқаролар эгадирлар. Сиёсий партия сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинган кундан камида олти ой олдин Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган, сайловда иштирок этишни қўллаб-қувватловчи камида эллик минг сайловчининг имзосини тўплаган тақдирдагина депутатликка номзодлар кўрсатиши мумкин. Белгиланган намунадаги имзо варақалари сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилингандан кейин Марказий сайлов комиссияси томонидан берилади. Маъмурий-ҳудудий тузилмалардан бирида (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳри) сиёсий партия эллик минг сайловчининг кўпи билан саккиз фоизи имзосини тўплаши мумкин. Имзо варақаларида имзолар сохталаштирилган тақдирда Марказий сайлов комиссияси сиёсий партиянинг сайловда қатнашиш ҳуқуқини ёки сайловчилар ташаббускор гуруҳидан кўрсатилган депутатликка номзодни рўйхатга олишни рад этади.

Сайлов қонунчилиги ҳужжатлари асосида тайёрланди.

Интернет тармоғини бевосита жунглига ўхшатиш мумкин. Лекин уларнинг битта фарқи бор — жунгли табиий яралган, интернет эса инсон тафаккури маҳсули.

Бундай дейишимизга сабаб, ҳозирда сизга қанақани маълумот, янгилик керак бўлса, интернет тармоғидан олиш мумкин. Интернет тармоғининг қулайлиги ҳақида гапирмоқчи бўлсак, гап кўп...

Хуллас, биз тармоқда пайдо бўлган

са, унинг ўн та бўлимдан таркиб топганлиги ҳар бир ўқувчига қулайлик яратади. Сайтнинг бош саҳифасида республика-мизда сайловолди жараёни ҳақида ахборот олиш мумкин. Қонунлар, қарорлар ва ҳужжатлар бўлимида эса, ўзингизга керакли бўлган қонунларни олиб ўрганишингизга имконият бор. Сайловчининг лугати бўлимида сайловчига керакли бўлган барча маълумотлар жойлашган. Булар ичида

**W.W.W.elections.uz
ҳақида нима биласиз?**

W.W.W.elections.uz сайти ҳақида мулоҳаза юритмоқчимиз.

Бу Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг сайти бўлиб, бевосита инглиз, рус, ўзбек тилларидадир. Унда республикамиз Олий Мажлисига бўлиб ўтадиган сайловга тааллуқли бўлган кўплаб маълумотлар жойлашган. Айниқ-

оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган мақолаларнинг ҳам жойлашгани ўқувчи учун яна битта қулайликдир.

Донолар айтадилар: "Минг марта эшитгандан кўра бир марта кўрган афзал". Шундай экан, сиз ҳам ундан керакли маълумотни олинг, ютқазмайсиз...

Шерзод АҲМАТОВ

Бу сафарги сайловларнинг муҳим тадбир сифатида мамлакатимиз сиёсий ҳаётида катта аҳамият касб этиши, шубҳасиз. Чунки юртимизда

галги сайловларнинг олдингиларидан фарқи ҳақида тушунтириш, тарғибот ишлари кенг йўлга қўйилган. Сайловлар бўлиб ўта-

МУАЛЛИМ — САЙЛОВ ТАРҒИБОТЧИСИ

илк бора икки палатали парламент шаклланди.

Айни кунда сайловни юқори савияда ўтказиш учун барча жойда қизгин ҳозирлик кўрилмоқда. Сайловнинг моҳияти, бу

диган участкаларнинг кўпчилиги мактабларда жойлашади. Шунинг учун биз ўқитувчилар сайлов тўғрисидаги қонун ва бошқа ҳужжатларни ҳар томонлама чуқур ўрганиб

ҳаракат қиляпмиз. Бу муҳим сиёсий тадбирнинг муваффақиятли ўтиши ҳар биримизга боғлиқ.

**Алибой ОЧИЛОВ,
Зомин туманидаги
68-мактаб ўқитувчиси**

"2004-2005 o'quv yili — maktabdan tashqari ta'lim samaradorligini oshirish o'quv yili"

Халқ таълими вазирлиги томонидан 2004-2005 ўқув йили мактабдан ташқари таълим самарадорлигини ошириш ўқув йили деб эълон қилинганлиги биз, мактабдан ташқари таълим ходимларига катта масъулият юклади. Бугунги кунда кам таъминланган оилалар фарзандлари, ҳуқуқбузарликка мойил ва ногирон ўқувчиларни тўлиқ равишда қизиқишларига оид тўғарақларга жалб этиш вазифаларимизнинг энг асосийсидир. Туманимизда фаолият кўрсатаётган ўқувчи-ёшлар техник ижодиёт марказида ҳам янги ўқув йили зўр кўтаринкилик билан бошланди. Авваламбор, мактабдан ташқари таълим самарадорлиги ўқув йилида қилинадиган ишлар юзасидан дастур тузиб олинди. Мактаб ва маҳалла ҳамкорлигида тўғарақларимиз иш олиб бормоқда. Марказимизга ўз касбининг фидойиси, қарийб 40 йиллик тажрибага эга олий маълумотли педагог Шавкат Сафаров раҳбарлик қилиб келмоқда. Ҳозирги кунда жами 1018 нафар ўқувчи тўғарақларга жалб қилиниб, уларга 36 нафар тажрибали ва билимдон педагоглар устозлик қилиб, ўз касб сирларини ўргатиб келмоқда. Техник ижодиёт уйи ўқувчилари томонидан ясалган макет ва

моделлар бир неча бор туман, вилоят ва республика кўрик-танловларида, анжуманларда намойиш этилган.

Ота-оналар ва ўқувчилар хоҳишига қараб техник ва бадиий нафосат тўғарақлари ҳам фаолият кўрсатмоқда. Бу йил кўшимча равишда маҳаллалар қошида ҳам ўқувчиларнинг бўш вақтларини тўғри ташкил этиш мақсадида тўғарақлар очишни режалаштирганмиз.

Ҳозирги кунда долзарб вазифалардан

борасида марказимизда ВЕЁК назоратида турувчи ўқувчилар алоҳида рўйхатга олиниб, ҳозирда ҳар бир тўғарақка ана шундайларнинг камида 4-5 нафари жалб қилинган.

Ҳар бир соҳада бўлганидек, бизнинг соҳада ҳам ютуқлар билан биргаликда камчиликлар мавжуд. Айни пайтда меъёрий ҳужжатлар учун ягона талаб жорий қилиниши, мутахассис кадрлар тайёрлаш ва уларни қайта аттестациядан ўтказиш, хо-

ТЎГАРАҚКА ЖАЛБ ҚИЛИНГАН ЎҚУВЧИ

салбий таъсирлардан
ҳимояланади

бири бўлган вояга етмаган болалар ўртасида содир этилаётган қонунбузарлик, жиноятчилик, ҳар хил оқимларга кириб қолиш ҳолатлари устида иш олиб бориш зарур. Болаларни фойдали меҳнатга жалб этиш, тўғарақларга қатнашишларини таъминлаш

надонларда тўғарақлар очиш, мавжуд кутубхона адабиётлар ва қўлланмалар билан бойитиш каби муаммолар ечими устида иш олиб борилаёпти.

Гулбахор ИСМАТОВА,
Нурота тумани ўқувчи-ёшлар техник
ижодиёт маркази методисти



Навий шахридаги 8-мактабнинг математика фани ўқитувчиси Майрам Зарипова бир неча йиллардан буён шогирдларига ушбу фаннинг сир-асрорларини пухта ўргатиб келмоқда.

Б.РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

ЁШ ДАСТУРЧИЛАР БАҲСИ

Маълумки, бугунги кунда жаҳон миқёсида компьютер тизими, информация ва дастурий технологиялар жуда тез суръатда ривожланиб бораётир. Айниқса, компьютерда дастурлаш тизими бугун ишлаб чиқаришнинг энг юксак даражасига кўтарилиб кетди. Дунё ахборот бозорида бу маҳсулотларга бўлаётган талаб катта ва бу ўз-ўзидан компьютер дастурчиларнинг ҳам олдига улкан мақсадлар қўймоқда. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимизда дастурлаш бўйича ўзига хос миллий мактаб яратишни тақозо этмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг "Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ва "Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш" бўйича республика Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг қарорларини бажариш юзасидан ЎМКХТ тизимида ҳам диққатга сазовор ишлар амалга ошириляпти.

— 2002 йилдан бошлаб

ACM (Association for Computing Machinery) — информатика ва дастурлаш йўналиши бўйича жаҳон чемпионатида Ўзбекистондан фақатгина олий ўқув юртларининг талабалари қатнашиб келаётган бўлса, — дейди Тошкент ахборот технологиялари университети факультети декани Шодмонкул Назиров, — жорий йилдан бошлаб буларнинг сафига академик лицей ва касб-хунар коллеж-

Tanlov

лари ўқувчи-ёшлари ҳам қўшилди. Бу эса, албатта, дастурлаш тизими бўйича республикамиз етарли даражада интеллектуал салоҳиятга эга эканлигини кўрсатади.

Тошкент ахборот технологиялари университетида ЎМКХТ муассасалари ўқувчи-ёшлари ўртасида ўтказилган танлов — саралаш босқичида қатнашчилар компьютерда дастурий технологияларни яратиш бўйича жаҳон чемпионатининг Марказий Осиё минтақасида бўлиб ўтадиган чорак финал мусобақаларида қатнашиш ҳуқуқини олиш учун ўзаро баҳс юритишди. Унда

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ЎМКХТ муассасаларидан 138 нафар ўқувчидан иборат 46 жамоа ва 46 нафар ўқитувчи-тренерлар иштирок этди. Иштирокчиларнинг компьютерлари бевосита Бутунроссия мактаб ўқувчиларининг дастурлаш тизими бўйича очик чемпионатининг интернет тармоғига уланган бўлиб, натижалар тўғрисида тўғридан тўғри ана шу тармоқ орқали ҳолис баҳоланиб борилди. Натижада 46 та жамоадан 30 та жамоа чорак финалда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Мазкур саралаш босқичида ўқувчилар Turbo, Paskall, Delphi, C++ каби дастурлаш тилларини қанчалик даражада ўзлаштирганлиги ва шу асосда қанчалик мукамал дастур ярата билиш қобилиятини намойиш этишди.

Таъкидлаш жоизки, Марказий Осиё минтақаси бўйича чорак финал мусобақаси 30 октябрь кунини Тошкент шаҳрида ўтказилди. Бунда мамлакатимиздан ташқари, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистон жамоалари ҳам қатнашишди.

Дилмурод СОДИҚОВ

Салим отанинг ўғиллари ноқобил чиқди. Умр бўйи раҳбарлик лавозимларида ишлаб, эл аро ўзига яраша обрў-эътибор топган отанинг бу кўргуликлар жон-жонидан ўтиб кетарди. Отасининг кучи билан олий даргоҳларни амал-тақал қилиб битириб чиққан ўғлонлар бир жойда на ёлчиб ишлашар, на рўзгорларида тотувлик бор эди. Ҳар нечук бировнинг боласи бўлса ҳам келинларим сабр-қаноатлик экан, дея тан оларди ота ўзича. Йиллар ўтиб тақдирларига тан бери-

ра набирагиналарим билан қандай кун кечирар экан?" Бу ҳам етмаганидек эрка ўғилнинг аччиғи доим бурнининг учиди. Бўлди-бўлмади қўлига тушган нарсани хотинига улоқтиради. Келинчак шўрлик болаларини етаклаб неча бора аразлаб кетади-ю яна мункиллаб қолган қайнонаси йиғлаб боргач, ноилож ортидан эргашади. У кун нафақасини олгани туман марказига борган ота нимаям бўлиб китоб дўкони томон бурилди. Қизик, казо-казолар билан ўти-

ОТАНИНГ ИҚРОРИ

шайпими ишқилиб, "Бош ёрилса дўппининг ичида" қабилида кун кечирешаяпти. Лекин кенжасининг суви сира тинмапти. Отанинг унга иш сўраб бош суқмаган ташкилоти кам қолди. Ўзбекилик дея Салим отанинг хурматини қилган раҳбарлар бугун уни кўрса йўллари бошқа ёққа буриб кетадиган бўлишган. Ўғил эса, қаерда ишласин бир-икки бора маош олади ёки йўқ. Яна тоғдек эркак уйда чошгоҳгача уйкуни уради-ю, келини шўрлик тирикчилик дардида ўзини қаёққа уришни билмайди. "Ҳали кўзим очик, — баъзан ўйлаб қолади Салим ота, — нафақадан эплаб узатиб турибман. Эртага ўтиб кетсам бу бечо-

риб турган, қай юртлардаги дабдабали савдо масканларини неча бора оралаган Салим отани шу кўримсизгина дўконнинг салобати босаётган экан эди. Тўғри, сиёсатдан бохабар бўлиб бориш мақсадида у ҳар кун газета ва рақаблар, лекин китоб... Қачон китоб ўқиганини у ҳеч хотирлай олмади. Ўзини ўзгача бир оламга кириб қолгандек сезаётган отанинг кўзи А.Авлонийнинг "Танланган асарлар" тўпламига тушди. Уни қалтироқ бармоқлари билан варақлар экан, бир қўли билан кўзойнагини олиб шивирлаб ўқий бошлади: "Ал ҳосил тарбия бизлар учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидур". Ота бу

ВАРШАВАДА "ХОТИРА КИТОБИ" ЧОП ЭТИЛДИ

Варшавада Польша президенти канцелярияси ва давлат архиви ҳамкорлигида ташкил этилган "1919-1952 йилларда Ўзбекистондаги поляклар тақдири" мавзусида илмий анжуман ва кўргазма бўлиб ўтди.

Польша давлат архивлари директори Д.Налэнч ва қатагон қилинган полякларнинг қариндошлари архив материалларини Польша томонига берилганлиги учун Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовга миннатдорлик изҳор қилди.

Д.Налэнч қатагон қилинган поляк фуқароларининг кейинги тақдири ҳақида Ўзбекистон ҳукумати ёрдами-

Xalqaro hamkorlik

да муҳим тарихий ҳужжатлар олинганини эътироф этди. У Польша ҳукумати ҳам Иккинчи жаҳон уруши йиллари мамлакат ҳудудида ҳалок бўлган ўзбек фуқароларининг тақдири ҳақида архив ҳужжатларини қидириб топиш, уларни Ўзбекистонга бериш масаласига жиддий ва катта эътибор билан муносабатда бўлаётганини айтди.

Анжуман иштирокчилари қатагон қилинган полякларнинг ҳужжатлари, шахсий буюмлари, фотосуратлари билан танишдилар. Уларга "1919-1952 йилларда Ўзбекистондаги полякларнинг тақдири" китоби совға қилинди. Ушбу нашрга кириш сўзи ёзган Польша президенти А.Квасневский Ўзбекистон томонидан архив материалларини берилишига юқори баҳо берган ва улар тарихий ҳақиқатни тиклашда катта аҳамиятга эгаллигини қайд этган.

"Жаҳон" АА

Saboq

ҳикматли иборани кўп эшитган, лекин мағзини чакмаганини гўёки энди, ёши бир жойга боргандагина англаётгандек эди.

У бирйўла бир неча китоб харид қилиб уйига қайтаркан, ич-ичидан зил кетарди. Ортада ўтиб кетган умр, тан олинмаган ҳақиқатлар, бой берилган имкониятлар уни сўроққа тутди назарида.

— Ҳаммасига ўзим айбдорман. Раҳбарман дея кўкракни кериб юраверибмиз. Ўғилларим кам бўлмасин деб қўш-қўш иморатлар қурдирдим. Бугун уларнинг ҳеч бири ҳатто бу биноларнинг нураб тушган жойини суваб қўйишни ҳам билмайди. Уларнинг ҳар бирини машиналик қилдим. Бири сотиб ичди, бири қарзларига тўлади, яна бири автоҳалокатга учраб зўрга жони омон қолди. Бообрў хонадонлардан келинлар қилдим. Минг афсус, ойдаи қизларнинг ранг-рўйи менинг эшигимга келиб сарғайди. У шу хаёллар билан қўлидаги "Юз бир ҳадис"ни варақлашга тутинди: "Ота ўз ўғлига кўркам одобдан ортиқ ҳадя бера олмас". Шу ерга келганда аччиқ фарёд отанинг бўғзига тикилгандек бўлди. Бу виждон азоби, кечириб, тузатиб бўлмас гуноҳ — бутун борлигини кемираётган дард эди.

Ойбуви ОЧИЛОВА

Биз иқтисоди ривожланган, бошқалардан кам бўлмаган кудратли давлат, демократик жамият қуришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз.

Бундай давлат, жамият қандай шароитда вужудга келади? Бу саволга жавоб юртимиз раҳбари томонидан берилди, яъни интеллектуал жиҳатдан баркамол авлод вакилларигина бундай жамиятни, давлатни барпо эта олади.

Баркамол авлод тарбияси йўлида «Таълим тўғрисида» ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинганлиги ва бу борада катта ишлар амалга оширилаётганлигини бугун ҳар бир киши кўриб, билиб турибди.

Навбатдаги вазифа қурилган ва барпо этилаётган янги типдаги таълим қосоналарида таълим сифатини яхшилашдир. Бу борада амалга оширилиши лозим бўлган ишлар жуда кўп. Таълим сифатини ошириш учун эса таълим сифатини бошқариш тажрибаси ва илмидан бохабар бўлмоқ жоиз.

Мамлакатимизнинг 13 йиллиги тантанали равишда нишонланиши арафасида таълим тизимидаги туб ислохотлар, яъни таълим сифатини ошириш ва бу жараёни бошқариш муаммоларига бағишланган «Таълим сифатини бошқариш» номли китоб «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси томонидан нашр қилинди.

Ҳозирги дунёда таълимнинг аҳволи анча мураккаб бўлган зиддиятларга, қарама-қаршиликларга тўла. Бир томондан, XX аср таълими инсоният фаолиятининг энг муҳим жиҳатларидан бирига айланди; бу соҳадаги улкан муваффақиятлар замирида янги аср учун характерли бўлган илмий-технологик ўзгаришлар ҳамда ижтимоий асослар ётади. Бошқа томондан эса, таълим жабҳасини кенгайтириш ва унинг мақомини ўзгартириш янгидан янги муаммоларни юзага келтирмоқда. Уларни ҳал этиш жараёнида катта ўзгаришлар содир бўлмоқда, замонавий жамиятнинг янги таълим тизими вужудга келмоқда.

Муаллифлар мамлакатимиз ва хориз тажрибаларини чуқур ва ҳар томонлама таҳлил қилар экан, кадрлар тайёрлаш сифатини оширишга йўналтирилган ислохотларни олиб бориш жараёнида асосий диққат-этибор, одатда, таълим соҳасини яхлит тизим сифатида такомиллаштиришга қаратилганлигига гувоҳ бўлишди. Иқтисодни режалаштириш шароитида бу ёндашувни тўғри деб баҳолаш мумкин бўларди, негаки мутахассисларнинг зарурий миқдори ва улардан қаерда, қандай мақсадларда фойдаланиш каби параметрлар аввалдан белгилаб қўйилар эди. Бу борада муаллифларнинг фикрига қўшилмаслик мумкин эмас, чунки кадрлар тайёрлаш жараёни қатъий яхлит тизимдан иборат эмас, кадр буюртмачиси, таълим тузилмаси, шунингдек, уларни сифатли мутахассислар қилиб тайёрлашда шахснинг хилма-хил қизиқиш ва интилишлари ҳисобга олинади. Сўнгги босқич асосан, бозор иқтисодиёти шароитида намоён бўлади, кадрларни тайёрлаш жараёнидаги субъектларнинг ўзаро мураккаб муносабатларини, уларнинг вазифа, мажбурият ва ҳуқуқларини аниқ белгилаш, меҳнат бозори эҳтиёжларини, мамлакат ва унинг ҳудудлари ижтимоий-иқтисодий ривожланиш аҳволи ҳамда истиқболларини ҳисобга олиш зарур.

Янги таълим тизимини муваффақиятли ривожлантириш жараёни таълим сифатини бошқаришга боғлиқ. Шунинг учун, муаллифларнинг таъкиди тўғри, яъни таълим сифатини бошқаришнинг асосий заруриятлари қуйидагича белгиланади: таълим муаммолари ечимини фақат таълим тизими даражасида эмас, балки умумдавлат сиёсати ҳамда халқаро миқёсда ҳамкорликда ҳал этиш; таълим бошқарувининг барча даражасида тизимлилик тамойилини амалга ошириш; давлатнинг таълимни такомиллаштириш ҳамда молиялаштиришдаги вазифаси ва роли; таълим муаммоларини ҳал этишга турли ижтимоий институтларни ҳамда таълим олувчиларни, давлат тузилмаларини жалб қилиш.

Янги ахборот технологияларининг қўлланилиши таълим самарадорлигини оширишга олиб келади, қачонки, таълимнинг технологик тизимости таркиблари ривожланиши бошқаларининг радикал ўзгаришлари билан боғлаб олиб борилса: бу педагогик, ташкилий, иқтисодий, шунингдек, таълим тизимининг на-

асосланганлиги жиҳатидан халқаро амалиётда ҳали кузатилмаган.

Монографияда жамиятдаги бозор ислохотлари жараёнида содир бўлаётган ўзгаришларга, ижтимоий буюртмаларга таълим тизимининг таъсир қилувчи механизми атрофича таҳлил қилинган. Бу асосан, кадрлар тайёрлаш миллий дастури иккинчи босқичининг устувор ва-



ТАЪЛИМ СИФАТИНИ БОШҚАРИШ ИСЛОХОТЛАРНИНГ БОШ МЕЗОНИДИР

зарий ҳамда методологик асосларини ҳам қамраб олади.

Таълим соҳасида ахборот технологияларини самарали қўллашда саралаш масаласи — бу фақат технологик муаммо бўлмасдан, балки замонавий таълимни бошқариш муаммоси ҳамдир, чунки унинг ечимини таълим тизимининг элементлари ва барча тизимости таркиблари ўртасидаги ўзаро алоқаларни тартибга солади. Охир-оқибатда натижалар таълим сифатини оширишга қаратилган бўлиши керак.

Такриз берилган ушбу монографияда таълим самарадорлигини бошқариш — бу мураккаб, серқирра масала эканлиги тўғри таъкидланган. Унинг ечимини бир нечта (давлат, тармоқлар, тармоқлар, ҳудудий, таълим муассасалари) миқёсида; шунингдек, турли (ташқилий, таркибий, мазмунан, кадрлар, ресурслар, методик) йўналишларда амалга оширилади.

Ана шуларнинг ҳаммасини ҳисобга олган ҳолда ислохотларнинг босқичма-босқич амалга оширилиши ва устуворлиги асосида Ўзбекистон Республикасида кадрларни тайёрлаш ва таълим тизимини ислох қилишнинг стратегияси ишлаб чиқилди. Ушбу ислохотлар концепциясининг ўзаги Кадрлар тайёрлашнинг миллий модели ҳисобланади ва у мутахассислар томонидан «Ислом Каримов модели» дея ҳаққоний таърифланган. Ушбу модел асосида Кадрларни тайёрлаш миллий дастури ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда. Халқаро амалиётда бу моделнинг ўхшаши йўқлигини, ноёблигини алоҳида таъкидланади. Мамлакатимизда таълим соҳасида амалга оширилаётган мазкур ўзгаришлар ўзининг кенг қамровлиги, илмий

зифаси — таълимда юқори сифатни таъминлашга тегишлидир.

Монографияда назария ва амалиёт уйғунлигида илк бор таълим сифатини бошқариш муаммоларини кадрлар тайёрлаш миллий моделига мувофиқ комплекс ўрганишга уриниб кўрилган. Унда таълим сифатини бошқаришнинг ижтимоий, психологик, педагогик муаммолари комплекс тадқиқ қилинган, давлат ва жамият фаолиятининг моҳияти ҳамда йўналиши очиб берилган, таълим сифатини яхшилаш бўйича бошқарув ва педагогик жамоаларнинг йўналишлари ва албатта, кадрларни тайёрлаш сифати, назорат жараёнининг, таълим сифати баҳоси ва мониторингининг ўзига хос жиҳатлари очиб берилган.

Шундай таҳлилда баён этилган иш, албатта таълим соҳаси, илм-фан, ишлаб чиқариш, давлат бошқаруви ташкилотлари, талаба, аспирантларга, шунингдек, кенг омма учун ҳам фойдалидир. Такриз қилинаётган монография кириш, тўртта катта боб (улар ўз навбатида параграфларга бўлинган), хулоса, фойдаланилган адабиётлар ва манбалардан иборат.

Монография бобларида мантикий кетма-кетликда таълим сифатини бошқаришнинг назарий-методологик асослари кўриб чиқилиб (1-боб), унда таълим тизимига умумий ёндашувлар аниқланган, таълим тизими ва сифатига доир тадқиқотларнинг методологик асослари белгиланган.

Таълим сифатини таъминлашнинг давлат томонидан кафолатланиши масалалари очиб берилган навбатдаги бўлим янада катта қизиқиш уйғотади (2-боб). Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, муаллифлар

Кадрлар тайyorlash milliy dasturi

таълим сифатини бошқариш муаммоларининг амалий жиҳатларига, ушбу жараёни йўналтириш модел ва методларини (3-боб), шунингдек, назорат масалалари, таълим сифатини баҳолаш ва унинг мониторингига (4-боб) катта аҳамият беришган.

Монографияда ўзимиз ва чет элликлар тажрибасини қиёсий таҳлил қилган ҳолда, таълим сифати бошқарувининг концептуал гоёлари ва уларни татбиқ қилишнинг аниқ механизмлари ишлаб чиқилган. Шу билан бирга, сўнгги бобга, бизнинг фикримизча, ривожланаётган бозор иқтисодиёти шароитида таълим тизимидаги янги иқтисодий механизмларнинг шаклланишига бағишланган бобни киритиш мумкин эди. Уларга таълим ва молия манбаларининг диверсификацияси, таълим тизимида бюджетдан ташқари маблағларни жалб қилиш, маҳаллий ва чет эл инвестициялари, уларнинг солиқ бўйича имтиёзлари ва бош-

ходимлар ва педагогларнинг жавобгарлигини ошириш билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Миллий модел ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосига қўйилган таълим тизимини такомиллаштириш борасидаги фикрлари ва ижодий гоёларидан монографияда жуда моҳирона фойдаланилганлигини таъкидлаш жоиз. Тавсия этилаётган адабиётлар рўйхатида келтирилган Президентимизнинг 120 дан зиёд асарларининг ҳар бирида кадрларни тайёрлаш ва таълим-тарбия масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Улар сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин: «Малакали мутахассислар — тараққиёт гарови», «Замонавий кадрлар — тараққиётнинг муҳим омили», «Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдеворидир», «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, ақлли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт» ва бошқалар.

Муаллифларнинг таълим сифатини бошқариш муаммолари бўйича олиб борган тадқиқотларига меъёрий ҳамда назарий жиҳатдан 130 га яқин ҳужжат ва 600 га яқин адабий манбалар асос бўлганлиги тўғрисидаги рўйхатнинг берилиши ҳам аҳамиятга молик.

Таълим сифатини оптимал бошқаришнинг якуний натижалари ўларок, ўқув-тарбиявий жараён самарадорлигини ошириш ва ўқувчи шахси ривожланиши таъминлаш, ўсиб келаётган ёш авлодни кенг маълумотли, эркин, мустақил фикрлай оладиган маънавий юксак, юқори маданиятли, ватанпарвар, жисмонан соғлом қилиб шакллантириш мустақил Ўзбекистоннинг тараққиёт пойдевори сифатида қаралиши лозим. Кўринадики, мамлакатимизда таълим сифатини бошқариш бўйича комплекс чора-тадбирларнинг амалга оширилиши, такриз этилаётган монографияда таъкидланган фикрларнинг амал қилишида муҳим қадам бўлади ва бизнинг мамлакатимиз янги XXI асрда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида глобаллашув жараёни билан тавсифланаётган дунё таълим тизимида ўз муносиб ўрнини эгаллайди ва муваффақият билан тараққий этади.

Бизнинг фикримизча, ушбу монография нафақат тор ихтисосликлар учун, балки айнан таълим ва фан соҳалари ҳодимлари, шунингдек, амалиётчи мутахассислар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳодимларида ҳам катта қизиқиш уйғотади. Ушбу китоб замонавий таълим тизимини ривожлантириш жараёнини тушуниб етишда талаба ва аспирантларга катта ёрдам беради, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий қурилиши соҳаларига қизиққан, умуман, кенг ўқувчилар оммасининг эътиборига сазовор бўлади. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, монография материалларидан таълим тарбия жараёнининг ўзида, давлатнинг таълим соҳасидаги сиёсати ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури гоёларини тарғиб қилиш, ёритиб боришда ҳам фойдаланиш мумкин.

Қаландар АБДУРАҲМОНОВ,
иқтисод фанлари доктори,
профессор, Ўзбекистон
Республикасида хизмат
кўрсатган халқ таълими
ходими

МУҲИМИ, БОЛА СОҒЛОМ БЎЛСИН

"Лола" номли 2 - соғломлаштириш МТМга киришингиз билан бахри-дилнингиз яйраб кетади. Кираверишдаги ўйин майдончасига ўрнатилган отахон ва онахонларнинг сиймоси акс эттирилган ўйинчоқ диққатингизни ўзига тортади.

— Болажонлар ҳар кун эрталаб ювиниб, нонуштага ўтиришдан олдин мана шу буважон ва бувижонларга ҳурмат баҳо айлаб, саломлашадилар, — дейди МТМ мудираси Гулчеҳра Тошматова. — Ҳар бир тонгимиз эзгу ишлар, яхшилик билан бошланишини кичиктойлар шу орқали ҳис қилишади. Чунки болажонлар бундай тарбия ва ахлоқни уйда ҳам, боғчада ҳам жойига қўйишади-да.

Дарҳақиқат, болажонларнинг юриш-туриши, кийиниши, одохлақи бир қарашда кўзга ташланади. Болакайлар боғчага ташриф буюрган меҳмонларга

Мақтабгача та'лим

қўлларини кўксига қўйиб, "Ассалому алайкум" деб салом берганда вужудингиз қандайдир қувонч ва самимиятдан тўлқинланиб кетади.

"Лола"да асосан сил касаллигига мойил ва тез-тез шамолловчи болалар тарбияланишади. Соғломлаштириш даври 3 ойдан 6 ойгача давом этади. Боғча 75 ўринли бўлиб, ҳозирда бу ерга 71 нафар бола катновда. Кичиктойларнинг кеча-ю кундуз даволаниб, тарбияланиши учун врач педиатр- ортизиатор ва 4 нафар ҳамшира куну тун болажонлар хизматида. Кичиктойларнинг тезроқ соғайиши учун даволувчи махсус асбоб-ускуналар етарли. Эҳтиёж туғилганда ишлатиш учун дори-дармонлар берилади. Даволаш ва тарбия жараёнида шифокор Любов Ремизова, катта ҳамшира Муҳтарам Хушбоқова ўз ишига ҳушёр ва сергаклик билан қарайди. Тарбияланувчилар шифобахш ичимликлар ва тўрт маҳал иссиқ овқат билан таъминланган. Овқатнинг сифа-

ти ва қувватига алоҳида аҳамият берилади. Болалар учун турли ширин ичимликлар боғча ҳовлиси ва боғдаги мевали дарахтлардан олинади.

Боғчада тарбия ва соғломлаштирувчи машғулотлар энгиллаштирилган дастур асосида амалга оширилади. Болажонлар билан кўпроқ очик ҳавода сайр қилиш, шаҳар марказидаги болалар боғига саёҳат уюштириш йўлга қўйилган. Жисмоний тарбия ва муסיқий машғулотлар ҳам болаларни тетиклаштиришга, соғломлаштиришга хизмат қилади.

Жиззах вилояти "Соғлом авлод" жамғармасининг боғча билан ҳамкорлиги яхши йўлга қўйилган. Жамғарма боғчага ҳар томонлама кўмак бермоқда. Шу йилнинг ўзида боғчага жамғарма томонидан 20 та болалар чойшаби, тарбиячилар учун халат, болакайлар учун тиш ювиш восита-

лари, дори-дармон берилди. Ҳам-

корликда қизиқарли тадбирлар уюштириляпти. Яқинда боғчада шаҳар миқёсида ўтказилган "Соғлом авлод — келажак пойдевори" мавзусидаги семинар ҳам фикримиз далилидир. Семинар қатнашчилари боғчада бу борада олиб борилаётган ибратли ишлар билан танишдилар.

— Боғчамиз 2004-2005 ўқув йили ва қиш мавсумига сифатли таъмирланди, — дейди Гулчеҳра Тошматова. — Шаҳар молия бўлими таъмирлашга 730 минг сўм маблағ ажратди. Болаларнинг чойшаби деярли янгиланди. 60 нафардан коса, пиёла, қошиқ олинди. Овқатланиш учун ўриндиқчалар келтирилди. Бу каби ишларда шаҳар халқ таълими бўлими ҳам бизга яқиндан ёрдам кўрсатапти.

Болалар — келажакимиз. Уларга нисбатан эътибор ва ғамхўрлик эртанги кунга бўлган муносабатимизни белгилайди.

Абдусаттор СОДИҚОВ,
"Ma'rifat" мухбири

Ёшларнинг маънавияти юксак бўлишини истаймиз ва бу ҳақда кўп гапирамиз. Бундай мақсадга эришишда таълим жараёнига илғор технологияларни жорий этиш билан бир қаторда, ўқувчилар ва талабаларнинг билим савияларини назорат қилиш ва баҳолаш тизимини тўғри танлай билиш ҳам жуда муҳим аҳамиятга эга. Анъанавий беш балли баҳолаш тизими ҳам, рейтинг тизими ҳам ўзига хос баъзи камчиликларга эга. Масалан, беш балли баҳолаш тизимидан фойдаланилганда, таълим олувчиларнинг билим савияларини таққослашда жуда катта ноаниқликка йўл қўйилади. Битта синфда ёки гуруҳда бир неча таълим олувчи «аъло» баҳога ўқийтган бўлса-да, аслида уларнинг билим савиялари бир-биридан жуда катта фарқ

фоизларига асосланган тизими (қисқача БЎФАТ)нинг моҳияти, таркибий қисмлари, баҳолаш тартиб-қоидалари ҳамда унинг афзалликлари ҳақида фикр юритмоқчимиз. БЎФАТда назоратнинг ҳар қандай шаклида баҳо сифатида ўқувчи ёки талаба жавоб берган мавзу бўйича бевосита ўзлаштириш фоизининг сон қиймати қўйиб борилади, бошқача айтганда «фоиз» сўзи ўрнига «баҳо» сўзини ишлатиш тавсия этилади.

БЎФАТ ҳам талабалар билимини баҳолаш бўйича ҳозирги вақтда қўлланиб келинаётган рейтинг тизимидан катта фарқ бор (ЖН), оралиқ назорат (ОН) ва якуний назорат (ЯН) турларидан иборат бўлиб, ҳар бир назорат тури бўйича натижавий баҳонинг максимал қиймати 100 балл бўлади. БЎФАТ-

Taklif

нов ёки ёзма иш тарзда ўтказилиши тавсия қилинади.

ЖНнинг натижавий баҳоси Р (ЖН) семестр давомидаги ЖН баҳоларининг ўртача қийматига тенг бўлади.

БЎФАТда исталган бирор назорат тури бўйича қўйилган баҳо 30 баллдан — 100 баллгача оралиқда қўйилади. Чунки, таълим олувчининг умумий саводхонлигини эътиборга олган ҳолда унга 30 баллдан паст баҳо қўйилмайди. Ҳар қандай назорат турида саралаш бали 50 балл деб қабул қилинади. Агар баҳолашнинг 100 балли тизимидан 5 балли тизимига ўтказиш зарур бўлиб қолса, 30-49 балл олган ўқувчи ёки та-

ФОИЗ ЎРНИГА БАҲО

ЁХУД ЯНА БАҲОЛАШ ТИЗИМИ ҲАҚИДА

қилиши мумкин. Баҳолашнинг ҳозирги рейтинг тизимидан фойдаланилганда эса, кўпчилик ўқувчи ва талабалар ўқув жараёнида тўплаётган баллари ҳақида маълумотга эга бўла олмайдилар. Баъзи ўқитувчилар эса, эътиборсизлик қилиб, тўплаган баллари ҳақида таълим олувчини ўз вақтида хабардор қилишмайди ва рейтинг балларини семестр охирида умумлаштирадилар. Иккинчидан, таълим муассасаларида ҳозирги қўлланилаётган рейтинг тизими анча ҳисобкитоб ишларини талаб қилади. Масалан, олий ўқув юртларида, дастлаб бирор фан бўйича семестр давомида ўқув режасида кўрсатилган дарс соатлари ҳажмига асосланиб, умумий балларнинг максимал қиймати ҳисоблаб, топилади.

Ўқув жараёнида, талабага ҳар бир назорат тури бўйича, умумий баллнинг тегишли назорат турига ажратилган улушини эътиборга олган ҳолда балл қўйиб борилади. Семестр охирида барча назорат турлари бўйича қўйилган баллар жамланиб, умумий балл ҳисоблаб чиқилади ва унинг қиймати ўзлаштириш фоизларига айлантирилиб, тегишли ҳужжатларга кўчирилади.

Таълим муассасаларида ўқувчилар ва талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг янги усули — баҳолашнинг ўзлаштириш

да ҳар бир назорат тури бўйича таълим олувчига натижавий баҳо қўйишда балларнинг йиғиндиси эмас, балки балларнинг ўртача қиймати асос қилиб олинади.

Ўрта мактабларда маъруза дарсларига алоҳида соат ажратилмагани учун, семестр ёки чорак давомида қўйилган кундалик баҳолар ЖНда акс этади. ОН учун эса, семестр давомида маълум бир фан бўйича дарс соатларини эътиборга олган ҳолда 2-4 марта ёзма ишлар, тест синовлари ўтказилади. Академик лицей, коллеж ва олий ўқув юртларида дарснинг ҳар бир турига алоҳида соатлар ажратилган. Шу сабабли, амалий ва лаборатория, семинар машғулотлари, курс ишлари ва шу каби дарсларда ЖН баҳолари қўйиб борилади. Таълим олувчининг маъруза дарсларида ўтилган мавзуларни ўзлаштиришини назорат қилиш мақсадида эса, семестр давомида 2-3 марта ОН ўтказилади.

Семестр охирида ўтказиладиган ЯН саволлари маъруза дарсларида ўтилган барча мавзуларни ҳамда амалиёт ва лаборатория машғулотлари, семинар ва шу каби дарсларда ўзлаштирилган билимнинг ўз ичига олади. ОН ҳам, ЯН ҳам фаннинг ўзига хос томонларини эътиборга олган ҳолда оғзаки, тест-си-

лабага «қониқарсиз», 50-69 баллга «қониқарли», 70-84 баллга «яхши», 85-100 балл олганга «аъло» баҳо қўйилади.

БЎФАТда ўқувчи ва талабаларни баҳолашда бутун сонлардан фойдаланиш етарли, чунки ушбу тизимда баҳолаш диапозони анча катта. Баҳолашнинг ўртача қийматини ҳисоблашда келиб чиқадиган каср сонларни ҳам бутун сонларга ўтказиб, яхлитлаб ёзиш тавсия қилинади.

БЎФАТ усулининг афзаллиги шундан иборатки, ўқув жараёни давомида таълим олувчилар ўзларининг ҳар бир фан бўйича билимларини ўзлаштириш фоизлари ҳақида ўз вақтида аниқ маълумотга эга бўлиб борадилар, улар ўртасида ўзаро мусобақаланиш муҳити вужудга келади, педагоглар ва профессор-ўқитувчиларнинг вақти анча тежалди. Бу эса, ўз навбатида таълим олувчиларнинг билим олишга интилишларини янада кучайтиради ва профессор-ўқитувчиларнинг таълим соҳасида ва илмий изланишлар билан кўпроқ шуғулланишлари учун катта имконият яратади.

Н.ХОЛДОРОВ,
А.АБДУҚОДИРОВ,
Самарқанд архитектура-қурилиш институти ўқитувчилари

6-sinf (I chorak)

1. Inson vatan qadrini qanday vaqtda anglaydi?

- A. Vatandagi o'zgarishlarni ko'rganda
B. Vatandan olis ketganda
D. Vatandoshlari tarixini o'rganganda
E. Vatanda o'ynab-kulib yurganda
F. A va D javoblar to'g'ri

2. Fuzuliy «Ko'zi yoshli odam» deb qanday odamlarni nazarda tutgan?

- A. Beg'am, ko'p uxlaydigan odamlarni
B. Quvnoq, chaqqon odamlarni
D. Haqiqatgo'y, fidoiy, hamisha bedor bo'lgan odamlarni
E. Kuchli, botir, dovyurak odamlarni
F. Saxiy, mehribon, qo'li ochiq odamlarni

3. To'maris, Shiroq, Najmiddin Kubro, Jaloliddin Manguberdi kabi ajdodlarimizni jangga otlantirgan kuch nima edi?

- A. Boylikka bo'lgan muhabbat
B. Egallab turgan hududni kengaytirish
D. Yurt muhabbati, Vatanga sadoqat ruhi
E. O'zga xalqni qaram qilish niyati
F. A va V javoblar to'g'ri

4. Gumanizm — lotincha «gumanis» so'zining ma'nosi yozilgan qatorni toping?

- A. Insoniylik, insonga xoslik, insonparvarlik
B. Do'stlik, birodarlik, qardoshlik
D. Tinchlik, tinchliksevarlik, sulhparvarlik
E. Saxiylik, qo'li ochiqlik, hotamtoylik
F. Barcha javoblar to'g'ri

VATAN TUYG'USI

5. Sen o'zingnan, eng so'nggi nonin O'zi yemay o'g'liga tutgan.

Sen o'zingsan, farzandlar shonin Asrlardan opichlab o'tgan.

Mazkur satrlar qaysi shoir qalamiga mansub?

- A. Erkin Vohidov
B. Omon Matchon
D. Abdulla Oripov
E. Muhammad Yusuf
F. Xurshid Davron

6. Qadim o'zbek xalqisan, asl odam avlodi,

Misr ehromlaridan tarixing qariroqdir.

Mazkur satrlar qaysi shoir tomonidan yozilgan?

- A. G'afur G'ulom
B. Quddus Muhammadiy
D. Erkin Vohidov
E. Maqsud Shayxzoda
F. Uyg'un

7. Miloddan oldingi asrlarda yashagan ajdodlarimizni qanday nomlar bilan atashgan?

- A. O'zbek, qozoq, qirg'iz
B. Rus, belorus, slavyan
D. Fors, tojik, hind
E. Sartlar, turkiylar, mo'g'ullar
F. Massagetlar, saklar, so'g'dlar

8. Yurtimizda yaratilgan, eng qadimgi ma'lumotlar berilgan asar nomini toping?

- A. Hadis
B. Qur'oni Karim
D. «Hibatul haqoyiq»
E. «Avesto»
F. «Qutadg'u bilig»

9. Qadimda mintaqamizda joylashgan «Tyan-Shan tog'i» ajdodlarimiz tomonidan qanday nom bilan yuritilgan?

- A. Pomir
B. Chimyon
D. Tangritog'
E. Olatov
F. Hisor

10. «Bu xalqning ma'naviyatini so'ndiribgina o'z qanotimiz ostiga olishimiz mumkin» degan so'zlar qaysi istilochiga tegishli?

- A. Iskandar Zulqamayn
B. Chingizxon
D. Kaufman
E. Skobelev
F. Gitler

11. Yaponiyalik olim Kyudzo Kato tomonidan arxeologik qazilmalar olib borilgan joy nomini ko'rsating?

- A. Teshiktosh
B. Dalvarzintepa
D. Zamonbobo
E. Zarautsoy
F. Afrosiyob

12. O'z mablag'i hisobidan yo'llar, ko'priklar, hammomlar, karvonsaroylar, kutubxonalar, madrasalar qurdirgan mutafakkir alloma nomi yozilgan qatorni toping?

- A. Yusuf Xos Hojib
B. Ahmad Yassaviy
D. Ahmad Yugnakiy
E. Mahmud Qoshg'ariy
F. Alisher Navoiy

13. «Avesto» hikmatlaridan ruhlanib, «Zardo'sht tavallosi» nomli asar yaratgan muallif nomini toping?

- A. Sharafiddin Ali Yazdiy
B. Lui Gonzales de Klavixo
D. Fridrix Nitshe
E. Ibn Arabshoh
F. L.Peltel

14. Jorulloh, ya'ni Oллоhning qo'shnisi degan e'tirofga sazovor bo'lgan allomaning nomini toping?

- A. Mahmud Zamaxshariy
B. Imom al-Buxoriy
D. Najmiddin Kubro
E. Abu Mansur Moturidiy
F. Burhoniddin Marg'inoniy

Fotima XOLMIRZAYEVA,
XTV ta'lim muassasalari
Bosh boshqarmasi nazoratchisi

21-oktabr — O'zbek tiliga Davlat tili maqomi berilgan kun

Давлат тили ҳақидаги қонуннинг биринчи моддасида "Ўзбекистон Республикаси ўзбек тилини бутун чоралар билан риwoжлантиради ва унинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётининг барча соҳаларида тўлиқ амал қилишини таъминлайди" дейилган. Ҳақиқатдан ҳам давлат тили мақомидаги тил ҳаётининг барча соҳаларида амал қила оладиган бўлиши шарт. Бинобарин, асосий мақсад ўзбек тилини ана шундай вазифа бажара оладиган тил даражасига кўтаришдир. Бу иш, бу вазифа эса муҳлат билмайди, доимийдир. Чунки ҳаётда юз бераётган ўзгаришлар тилда ҳам ўз ифодасини топади ва улар, ўз навбатида, тил амалиёти билан боғлиқ турли муаммоларни келтириб чиқараверади.

Асосий мақсад давлат тилини ҳаётининг барча соҳаларида бекам-кўст хизмат қиладиган даражага кўтариш экан ва бу доимий, узлуксиз давом этадиган вазифа бўлар экан, ҳар бир соҳани ўзбек тилида иш олиб бо-

ши керак. Қолаверса, ўқув юртлирига дарслик яратиш учун, аввало унга илмий-назарий ва бошқа жиҳатдан асос бўладиган дарслик, яъни олий ўқув юртлирига мўлжалланган дарслик, қўлланмалар яратилса, нур устига нур бўлур эди. Бу билан ўқув юртлири дарсликлариди, биринчидан, узвийликка эришилса, иккинчидан, қўйи бошқич ўқув юртлири дарсликлариди (жумладан, мактаб дарсликлариди) учраётган турли хато ва бошқа нуқсонларга барҳам бериш имкони яратилади.

Кейинги ўн-ўн беш йил давомида тилни система (тизим) сифатида ўрганишга алоҳида эътибор қаратилди. Бу, шубҳасиз, ижобий ҳол. Лекин тилнинг система эканлиги жуда илгиридан маълум ва уни система сифатида ўрганиш европа тилшунослигига, жумладан, рус тилшунослигига узок йиллардан бун давом этиб келаётганлиги ҳам маълум. Истиқлолгача бўлган давр ўзбек тилшунослигиди энг асосий камчиликлардан бири ўзбек

Фикр

Тилшуносликнинг илмий-назарий масалалари, шунингдек, ўзбек тилининг амалиёти билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш борасиди юзага келган иккинчи энг асосий камчилик, салбий ҳолат бу ишда жамоавийлик, яъни муаммони жамоавий тарзда ҳал қилишнинг деярли йўқолганлигидир. Кейинги ўн-ўн беш йил давомида яратилган ишларга назар ташласак (луғатлар ҳам мустасно), уларнинг, асосан, бир ёки икки киши томонидан ёзилганлиги маълум бўлади. Бу ишларнинг мавзуси, шунингдек, ишининг ўз бур нуфузли муассаса ёки соҳанинг етук мутахассислари муҳокамасидан ўтмаган. Демак, бу ишлардаги фикр-мулоҳазалар иш муаллифининг (ёки муаллифларининг) ўз фикр-мулоҳазаси бўлиб қолаверади. Унинг тўғри нотўғрилиги, ишининг талабга жавоб бериш-бермаслигига бирор эътиборли муассаса, олим ёки

«ШАРТНОМАВИЙ РЕЖА» ЁКИ «БОЛАВИЙ БОҒЧА»

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганига 15 йил тўлиши муносабати билан жойларда турли тадбирлар ўтказилмоқда. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетиди ўтказилган "Истиқлол ва тил" мавзусиди олий таълим муассасалариари илмий амалий анжуман ҳам шу санага бағишланди. Унда тилшунос олимлар, Ангрен, Гулистон, Навоий олий ўқув юртлиридан вакиллар иштирок этишди.

Тошкент давлат Шарқшунослик институти профессори Алибек Рустамов айрим оммавий ахборот воситаларидаги каламқашларнинг сўзларни ноўрин қўллашларини аниқ мисоллар билан исботлаб берди. Масалан, шартномавий режа дейишади. Бу эса болавий боғча дегандек гап, дейди А.Рустамов. У чет тилини ўрганаётганда ўзбек тили билан қиёслаб ўрганиш кераклиги, сўзларни нотўғри қўллаш эса, ўз тарихимиз ва меросимизни тили билмаслигимиздан эканлигини айтди.

Анжуманга ЎзДЖТУдан ташқари бошқа олий ўқув юртлиридан 90га яқин вакил иштирок этди.

Маърузалар йирилганларда чуқур таассурот қолдирди. Яппи йиғилишдан сўнг, тил муаммоларига оид мавзуларда беш гуруҳда шўба йиғилиши ўтказилди.

тиш кераклиги, акс ҳолда улар ўзлаштиришга қийналаётганликларини айтди.

Тошкент давлат Шарқшунослик институти профессори Алибек Рустамов айрим оммавий ахборот воситаларидаги каламқашларнинг сўзларни ноўрин қўллашларини аниқ мисоллар билан исботлаб берди. Масалан, шартномавий режа дейишади. Бу эса болавий боғча дегандек гап, дейди А.Рустамов. У чет тилини ўрганаётганда ўзбек тили билан қиёслаб ўрганиш кераклиги, сўзларни нотўғри қўллаш эса, ўз тарихимиз ва меросимизни тили билмаслигимиздан эканлигини айтди.

Анжуманга ЎзДЖТУдан ташқари бошқа олий ўқув юртлиридан 90га яқин вакил иштирок этди.

Маърузалар йирилганларда чуқур таассурот қолдирди. Яппи йиғилишдан сўнг, тил муаммоларига оид мавзуларда беш гуруҳда шўба йиғилиши ўтказилди.

Зухра БОБОХЎЖАЕВА "Ma'rifat" муҳбири

СЎЗ ЎЗ ЎРНИДА ҚўЛЛАНИЛСА...

Хозир чет эллар таълими тажрибаси, ўқитиш услубиди янгиликлар бизда ҳам жорий қилинати. Чет элда ўқиб берилган ёш ўқитувчиларга кенг йўл берилаёттир. Улар ўзлари ўрганган янги услубларни амалиётда қўллаб, ноъанавий дарслар билан талабаларни эркин фикрлашга ўргатади. Талабаларимизда шундай ёш, иқтидорли ўқитувчилардан бири дарс берди. Унинг саводлиги шундоққина қўри-ниб турар, билганларидан бизни ҳам тезроқ хабардор қилгиси келарди. Бироқ у, она тилида ўз фикрини эркин ифода қилиб беролмас, аввал чет тилида, кейин рус, сўнгра ўзбек тилига ўтирарди. Баъзан сўзларни топа олмас, фикрини қўл ҳаракатлари ва имошора орқали аранг етказарди. Бир гапни гапиргунча, бир неча сўзларни талабалардан сўраб таржима қилганича анча вақт кетарди. Бу эса, хозир қизиқ нарса эшитамсиз, деб ўтирганларнинг ҳафсаласини пир қиларди. Тўғри, жаҳон талабларига жавоб берадиган, ҳар томонлама етук мутахассис бўлиш учун чет тилини ўрга-

ниш зарур. Айниқса, бугунги давр дунё мамлакатлари ривож вақтида бусиз илож йўқ. Лекин чет тилини, ўз тилини "ютиб" она тили билан бирга ўзлигини ҳам йўқотиш эвазига чоп этиладиган расмий ҳужжатлардаги гализ жумлалар тажрибамиз таржимоннинг ҳар қанча ақли, доно бўлмасин агар ўз тилида фикрини уқтира олмас, хурмат қозониши қийин. Қолаверса, икки тилни "мошқурда" қилиб гапирганини замонавийлик белгиси деб бўлмайди. Ўзини ва атрофдагиларни хурмат қиладиган одам даврдагилар учун умумий бўлган тилда сўзлашмоги лозим. Бу-ку, аудиторияси юз-икки юз кишидан ошмайдиган ўқитувчи, аммо баъзан ҳаммага ибрат бўлиши керак бўлган санъаткорлар, кўшмичилар ҳам она тилида бемаълум гапирарди, даставаб ўзбек тилида бошланган сўбат, бора-бора рус тилига улашиб кетарди. Бу эса, минглаб мухлисларда маданиятли одам шундай бўлиши керек деган фикр уйғотарди. Қараб-сизки, аксарият ёшлар "маданиятли". Шунингдек, бу борада оммавий ахборот воситалари фаолиятини ҳам ижобий деб айтолмаймиз. Айрим ҳолларда газетанинг илк бетиди чоп этиладиган расмий ҳужжатлардаги гализ жумлалар тажрибамиз таржимоннинг ҳар қанча ақли, доно бўлмасин агар ўз тилида фикрини уқтира олмас, хурмат қозониши қийин. Қолаверса, икки тилни "мошқурда" қилиб гапирганини замонавийлик белгиси деб бўлмайди. Ўзини ва атрофдагиларни хурмат қиладиган одам даврдагилар учун умумий бўлган тилда сўзлашмоги лозим. Бу-ку, аудиторияси юз-икки юз кишидан ошмайдиган ўқитувчи, аммо баъзан ҳаммага ибрат бўлиши керак бўлган санъаткорлар, кўшмичилар ҳам она тилида бемаълум гапирарди, даставаб ўзбек тилида бошланган сўбат, бора-бора рус тилига улашиб кетарди. Бу эса, минглаб мухлисларда маданиятли одам шундай бўлиши керек деган фикр уйғотарди. Қараб-

Муаммо

Nuqtai nazar

Тенгдошларим ўртасиди хорижий тилларни ўрганишга бўлган қизиқиш юқорилигидан ҳам хурсанд бўламан, ҳам ўқинаман. Хурсандлигим, тил ўрганганлар бемаълум хориждаги олий ўқув юртлирида ўқиши, дунё кўриши, Ўзбекистонга келганлар билан эркин мулоқот қилиши мумкин. Қарияларимиз айтганидек, "Тил билган — эл билди". Бироқ, мени ташвишга солган иккинчи жиҳат, бу, она тилига бўлган муносабатдир. Қўпичина кўча-қўйда, дўстларим орасиди ўзбекча сўзлашувда русча сўзларни қўшиб гапиршиларидан гашим келади. Бу ҳам майли, икки ўзбек йигити ёки қизининг

ҳурматсизлик бўлса, иккинчи томондан, бу қонуннинг мажбурий эмаслиги давлат тилини билиш заруратини туддирмайди. Бир томондан, бунга ўзимиз ҳам айбдоримиз. Чунки рус тилида ўзбек тилини ўрганаёт-

КИМ КИМГА ЎРГАТАДИ?

бошқа миллат вакиллари, талафурнига қуламиз ёки яна русча гапирамиз. Бу билан уларнинг тил ўрганишга имкон бермаймиз. Бу эса, уларда давлат тилини ўрганишга бўлган иштиёқни сўндирарди. Бунинг ўрнига биз уларга ёрдам бериб, ўзаро ўзбекча сўбатлашимизни мақсадга мувофиқдир. Чунки она тилига бўлган хурмат-эътибор тўғрисида чиройли гапириб билан ҳам белгиланади. Шу боис, биз шундай тоза ва раво гапирайликки, бошқа миллат вакиллари ҳам биздан ўрнак олсинлар.

Бошқа миллат вакиллари, талафурнига қуламиз ёки яна русча гапирамиз. Бу билан уларнинг тил ўрганишга имкон бермаймиз. Бу эса, уларда давлат тилини ўрганишга бўлган иштиёқни сўндирарди. Бунинг ўрнига биз уларга ёрдам бериб, ўзаро ўзбекча сўбатлашимизни мақсадга мувофиқдир. Чунки она тилига бўлган хурмат-эътибор тўғрисида чиройли гапириб билан ҳам белгиланади. Шу боис, биз шундай тоза ва раво гапирайликки, бошқа миллат вакиллари ҳам биздан ўрнак олсинлар.

Ҳаммага маълумки, халқ мақолларидан бири "Ўқиган ўзар, ўқимаган тўзар", деб айтилади ва унинг мазмуни, маъноси яхши. Лекин, аввало ўқиш билан ўқишнинг, ёзиш билан ёзишнинг фарқи бор. Ахир, номига шунчаки ўқиш, ёзиш бўлса, бундан ҳеч қандай наф унмайди-ку! Яна ўқиганининг, ёзганининг моҳиятини англамасанг, бундан ҳам фойда йўқ! Борди-ю ёзганинг ҳам, ўқиганинг ҳам ёлгон бўлса, оқибатда фақат зарар келиши муқаррар!..

Худди шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, айни она тилимиз мазмун мундарижасини ҳар томонлама англаш, ўрганиш, таҳлил таҳқиқ этиш орқали унинг тарққиётини таъминлашга муҳим ҳисса қўиш ҳар бир зиёлининг вазифасидир.

Айниқса, бу вазифани бажариш биринчи гада тилшунослар зиммасига юкланади. Шунга мувофиқ, ўзига хосу мек фаолият олиб борилаётганидан кўз юмиш инфосдан эмас. Айни чоғда у юғтада шиддатли бўлиб, улугвор зафарлар қўлга киритилапти, деб айтиш ҳам қийин. Бу борада вилоятлардаги айрим тилшуносларнинг хатти-ҳаракатлари кўзга яққол ташланапти. Хусусан, бухоролик олимларимиздан профессор Фани Зикриллаевнинг 2000 йилда ФАН нашриётида босилиб чиққан "Иқтиқлол ва она тили" ҳамда айни шу нашриётда 2004 йилда чоп этилган "Истиқлол ва адабий тил" деб номланган рисоалари диққатга сазовордир.

Табиийки, бу ерда ҳар иккала тадқиқотнинг мазмун мундарижасини батафсил таҳлил қилиш вазифаси қўйилмаган. Фақат айрим муҳим жиҳатларидан бирини қайд этамиз.

Гап шундаки, ўша чорак ҳам бир аср ҳукмронлик қилган мустабид тузум ҳукмронлиги даврида тил ҳам, у қайси халқ, миллатга мансуб бўлмасин, ҳаммаси фақат ижтимоий ҳодиса сифатиди таърифланади, уни ҳам марксча-ленинча мафкура талабларига бўйсунтирдилар.

Бунинг нотўғрилигини кўрсатиш учун Ф.Зикриллин ёша собиқ мустабид тузумдан олдин XVIII-XIX асрда яшаб ижод этган таниқли тилшунос олим Ҳумболт (1767-1835)нинг тили моҳиятига кўра руҳий фаолият, руҳий қувват, негаки халқ тили унинг руҳияти, халқ руҳияти унинг тили, деган қайдномасини қўллаб-қувватлайди. ("Истиқлол ва адабий тил", 8-бет).

Бинобарин, тил, умуман барча тиллар қайси халқ, миллатга мансуб бўлмасин, ҳар бири фақатгина ижтимоий ҳодиса бўлиши мумкин эмас. Чунки, ҳаммаси ягона Оллоҳ томонидан яратилган ўзларига хосу мек, бетакрор, алоҳида аж-

ралиб турадиган оламлардир, деб таърифлаш мумкин. Тагин шундай оламларки, улардан ҳар бири руҳий-илоҳий ҳодиса бўлиши билан бирга муайян биророрта жамиятга боғланмасдан алоҳида йўқ, Шунга мувофиқ ҳар бир тил, жумладан, ўзбек тилимиз муайян бир жамиятга боғлиқ, алоқадор бўлиб, ўша ерда истиқомат қилувчи инсонларнинг ўзаро муносабатлари, алоқа, аралашувини таъминловчи восита, қурол вазифасини ўтатиш муқаррардир. Шу маънода қисман ижтимоий ҳодиса, деб нисбий изоҳлаш мумкин. У ҳеч қачон илоҳий-руҳий қудратини йўқотмайди. Йўқотишга интилган собиқ коммунистик тузум кўпгина миллий тилларга, шу жумладан она тилимизга равнақчи анча-мунча зарар етказгани ҳеч кимга сир эмас.

Мана шу салбий оқибатлардан бир қанчасига мус-

рини кўрсатиб, шу жабҳадаги муҳим, мураккаб муаммолардан барчасини ҳал қилиб қўйдилар, дейиш мумкин.

Худди шу жиҳатдан мисол тарзида Мирзо Улуғбек номидаги Миллий университетнинг ўзбек филологияси мутахассислиги бўйича ўқув дастурларидан баъзиларига тўхталиб ўтишга жазм этамиз.

Мазкур мутахассисликка мўлжалланган дастурлар мажмуи 1997 йилда босилиб чиқди. Ундаги она тилимизни ўқитиш, ўргатишга оид дастурларда истиқлол талабига оид айрим ўзгаришлар мавжудки, бунини қўллаб-қувватлаш зарур. Шу билан бирга баъзи ўринларда, афсуски, тил билан боғлиқ масалалардан айримлари негадир ўша собиқ мустабид замонда қандай берилса, худди шундайлигича, ўзгартирилмай қолгани ачинарлидир. Мисол тарзида юқорида тилга

Mulohaza

мазмунни муҳассас этган бўлса-да, ахир, фақат сўзу гаплардагина ўзини намоён қилиб, амалда ўзлигини кўрсатади-ку! Қаранг, ҳар иккала тушуна ҳам бир-бирига бир тану бир жондай яқин экан-ку!

Филолог дея биз ҳам адабиётшунос, ҳам тилшуносни тушунамиз. Бунда сўз санъати, бадиий ижод, тил таълими бир-бирларига жондошу қондошлиги ўз-ўзидан намоён бўлади.

Фалсафа-чи? У ҳам ҳар иккаласига жуда яқин қариндошлигини асло инкор қилиш мумкин эмаски, бу ҳақда алоҳида қарор қилинади. Ҳозирги тилшунослигимиз хатто бир-бирига жондошу қондош бўлган адабиётшуносликдан ҳам ажралиб қолгани ачинарлидир. Мисол тарзида юқорида тилга

ТИЛ — ҲАР БИР ДАРСЛИК АСОСИ

радиган етук кадрлар билан таъминлаш ҳамма вақт долзарб бўлиб қолаверади. Бу жараёнда ўзбек тилини ўқувчи, ўрганувчиларни талаб даражасиди дарсликлар, турли типдаги қўлланма, луғат ва шу қабилир билан таъминлаш муҳим аҳамият касб этиши, шубҳасиз. Бироқ, ана шу муҳим масала нуқтаи назардан ҳозирги ҳолатга баҳо бериладиган бўлса, унинг талабга жавоб бера олмаслигини таъ олишдан бошқа иложимиз йўқ.

Тўғри, ўтган давр мобайнида баъзи масалалар, айрим соҳалар бўйича муайян ишлар амалга оширилди. Масалан, истиқлолгача республикамизда ҳужжатчилик бевосита ўзбек тили негизиди ривожлантирилмаган бўлса, бугунги кунда иш юришти атамаларининг давр талабларига жавоб берадиган янги тизими яратилди. Бироқ, кўпгина соҳалар бўйича бажарилиши лозим бўлган ишлар кейинги вақтларда жуда бўшаштириб юборилди, баъзи долзарб масалалар эса, деярли эътибордан четда қолиб келяпти. Мисол учун ўқув юртлирига мўлжаллаб чоп этилган ва амалда бўлган (қўлланаётган) дарслик, қўлланмаларни олиб кўрайлик.

Гапни чўзмасдан, "нима учун шундай?" деган саволга жавоб беришга ҳаракат қилайлик.

Аввало айтиш керакки, дарслик яратиш ҳар қандай олим ёки ўқитувчининг қўлидан келадигани эмаслиги маълум. Шунинг учун муайян дарсликнинг, аввало, ким эмас, балки қилар ёзиши мумкинлиги ҳақида ўйлаб, фикрлашиб, ҳақиқий муҳокамадан сўнг дарслик ёзувчилар гуруҳи одилона белгилани-

тилини бевосита шу тил мате-риалларини таҳлил этиш йўли билан эмас, кўп ҳолларда, европа тиллари, жумладан, рус тилига оид илмий адабиётлардаги андозалар асосиди, уларга ўзбек тилидан материал топиб "қоида-таштириш" йўли билан иш кўрилганлиги ва бу ҳол жуда кўп салбий оқибатларга олиб келганлиги мутахассислар томонидан тан олинган, ишонарли далиллар билан исботланган. Бир оғиз сўз билан айтганда, бу йўл барча томонидан қораланган. Афсуски, истиқлолдан кейинги қисқа давр мобайнида яратилган (ўзбек тили система сифатида ўрганилганлиги даъво қилинган) ишларда қайд этилган салбий ҳолат (йўл, усул)нинг янада кучайганлигига гувоҳ бўламиз. Бутунлай бошқа тиллар оиласига мансуб, бошқа системага эга бўлган тилларга, жумладан, рус тилига ҳоз қонун-қоида, қолип-андозалар ва шу қабилирни ўзбек тилига таъбиқ этиш, асосан, салбий оқибатларга олиб келиши кўп марта айтилгани билан бунга ҳеч қўйилмапти, аксинча, бу ҳол кучайиб борапти. Кузатишлардан шу нарса маълум бўлдики, илмий текшириш ишларида юқорида ай-тилган номақбул йўлдан бориш, аксарият, ўзбек тилини ўз мате-риаллари асосиди таҳлил этишга чидам-бардоши бўлмаган ёки қобилияти бунга имкон бермай-диган тадқиқотчиларнинг ишлари-да кузатилади. Лекин яна бир бор шуни алоҳида таъкидламоқчи эдикки, ҳар бир масалада фақат ўзбек тилининг ўз материаллини чуқур таҳлил этиш йўли биланги-на бу тил қуриллиши системасини тўла ва тўғри ёритишга эришиш мумкин бўлади.

Азим ҲОЖИЕВ, ЎЗРФА академиги

ФАҚАТ ЎҚИШУ ЁЗИШМАС

тақилликка эришилганда кейин барҳам берилаётган-нига қарамасдан бу борадаги вазият халигача кенг микёсда деб бўлмайди. Шу ҳақда Қарамон шoirимиз Эркин Воҳидов ўзининг "Халқ сўзи" газетасининг 2003 йил 21 октябрда босилиб чиққан "Она тилим" номли мақоласиди қуйидагича мулоҳаза юритади: "Ҳар йили 21 октябр-ни табаррук кундай нишонлашимиз, тил байрамларини ўтказишимиз дуруст. Лекин Она тилимизни бой-тиш, атамалар устиди ишлаш, чет тилларидан кирган сўз ва терминларга муносив ўзбек сўзларини топиш устиди ғайрат ва жонбозлик кўнгилдагидек эмас. Ваҳоланки, тилга Давлат мақомининг берилиши узок йиллар давом этадиган, барча касб эгаларининг сарфарбарлигини, айниқса, зиёлиларнинг тинимсиз меҳнатларини талаб қиладиган умуммиллий жараённинг бошлангани холос".

Хўш, шундай экан, мазкур умуммиллий жараёндан, айтиликки, маърифатчилар, таълим-тарбиячилар четда қолиши мумкинми? Асло, мумкин эмас. Шу ўринда улар ўз фаолиятларини истиқлол талаблари асосиди ривожлантиришга интилиб, бу борада муайян ютуқларга эришаётганларидан кўз юмиш ноинсофлик бўлур эди. Айни чоғда барча имкониятлардан унумли фойдаланаятиларми? Янада қанчалик қудратли маъно

салан, тил илмининг бир тармоғи бўлган "Тилшуносликка кириш" курсининг мундарижаси ҳамда вазифалари белгиланганда "Тилнинг ижтимоий ҳодиса, фикр алмасувининг эс муҳим воситаси эканлиги"ни мутолаа қилиш зарурлиги таъкидланган (94-бет).

Тил фикр алмасув воситаси, одамларнинг ўзаро муомала-муносабатларини рўёбга чиқарувчи қурол эканлиги ҳам тўғри, лекин ижтимоий ҳодиса тарзида таърифланиши унинг қайси халқ, миллатга мансублигидан қатъи назар, руҳий, илоҳий қудратини инкор этишга олиб келади.

Ҳинда даниялик тилшунос олим Есперсиннинг рус тилига ўгирилиб, Москвада мақомининг берилиши узок йиллар давом этадиган, барча касб эгаларининг сарфарбарлигини, айниқса, зиёлиларнинг тинимсиз меҳнатларини талаб қиладиган умуммиллий жараённинг бошлангани холос".

Хўш, шундай экан, мазкур умуммиллий жараёндан, айтиликки, маърифатчилар, таълим-тарбиячилар четда қолиши мумкинми? Асло, мумкин эмас. Шу ўринда улар ўз фаолиятларини истиқлол талаблари асосиди ривожлантиришга интилиб, бу борада муайян ютуқларга эришаётганларидан кўз юмиш ноинсофлик бўлур эди. Айни чоғда барча имкониятлардан унумли фойдаланаятиларми? Янада қанчалик қудратли маъно

Норбой ҲУДОЙБЕРГАНОВ, Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти, катта илмий ходими, филология фанлари доктори, профессор

**ХОРИЖЛИК
МУТАХАССИС
ЭЪТИРОФИ**

Бугунги кунда республика-мизда турли хил йўналишлар бўйича малакали, ҳар томонлама ривожланган кадрларни тайёрлаш ишига катта эътибор берилмоқда. Иш билан банд аҳолининг аксарият қисми қишлоқ хўжалигига тўғри келиши ва республика иқтисодиёти ва sanoat тармоқларининг айнан қишлоқ хўжалиги билан боғлиқлиги ҳисобга олиниб, янгидан ташкил этилган қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежларининг сони бугун 198 тани ташкил этади. Шу боис-



дан ҳам мазкур таълим муассасалари фаолиятини ҳар томонлама такомиллаштириш, ушбу йўналишда кадрлар тайёрлаш ишини юқори поғонага кўтариш масаласи айни чоғда таълимдаги ислохотлар устиворликларининг биридир. Япония халқаро ҳамкорлик банки томонидан Ўзбекистон Хукумати «Ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш» лойиҳасини амалга ошириш учун 6,347 млн. япон йенаси миқдоридан берилган кредит ҳам ана шундай эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда.

«Авваламбор шуни таъкидлаш жоизки, Япония халқаро ҳамкорлик банкнинг имтиёзли кредити негизда 2002 йилдан буён амалга оширилиб келинаётган ушбу лойиҳа, — дейди Япониянинг UNICO Интернейшнл Корпорейшн консалтинг компаниясининг Ўзбекистондаги маслаҳатчилар гуруҳи раҳбари, жаноб Юджи Курокава, — айнан қишлоқ хўжалиги йўналишидаги касб-хунар коллежларини замонавий жиҳозлар билан таъминлаш, раҳбар ходимлар, ўқитувчи ва муҳандис-педагогларнинг мамлакатимизда ва хорижда ўз касбий малакасини оширишга кўмаклашиш мақсадларини кўзлайди.

Ўзбекистонда изчиллик билан олиб борилаётган таълим тизимидаги ислохотлар натижасида ташкил этилган замонавий қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежлари республикада мазкур соҳани ривожлантириш ва малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш ишига катта ҳисса қўшиб келаётганлигидан хабаримиз бор. Биз ҳам лойиҳамиз орқали ана шундай жараёнда иштирок этаётганимиздан мамнунмиз. Зеро, эл-юртнинг эртанги равнақини таъминловчи малакали кадрлар тайёрлаш борасида Ўзбекистонда яратилган миллий модель бизни мутахассис сифатида ҳар доим қизиқтириб келган».

**ЗАМОНАВИЙ
ЖИҲОЗЛАР ТАЪЛИМ
САМАРАДОРЛИГИ
УЧУН**

Мазмун жиҳатидан аҳамиятли бўлган мазкур лойиҳа иккита асосий таркибий қисмни ўз ичига олади: булар лойиҳа доирасида 50 та қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежларига замонавий жиҳозларнинг келтирилиши ва мазкур таълим муассасалари ўқитувчи, муҳандис-педагогларнинг мамлакатимизда ҳамда хорижда касбий малакаларини оширишни ташкил этишдир. Шундан биринчиси — жиҳозларнинг келтирилишига тўхталамиз.

Лойиҳага киритилган 50 та қишлоқ хўжалиги касб-хунар

кўплаб жиҳозлар билан таъминланади. Бундан ташқари, биология, кимё, физика каби умумтаълим фанлари бўйича ҳам ўқув-лаборатория жиҳозлари ва ускуналари келтирилди.

Бу борада Ўрта махсус, касб-хунар таълими Маркази таъминловчи хорижий компания Sumitomo Corporation билан 5,498 млн. япон йенасига тўғри келадиган шартнома имзолади ва бунинг натижасида ушбу компания 20 та давлатдан 349 номдаги 45,000 та жиҳозларни келтириб беради. Айни кунда лойиҳани амалга ошириш гуруҳи Sumitomo Corporation компанияси мутахассислари билан ҳамкорликда шартнома талабларини муваффақиятли бажариш тадбирларини амал-

лаб чиқарувчи йирик-йирик sanoat корхоналаридан олинмаяпти.

Яна бир бор таъкидлаш жоизки, жиҳозлар 20 та давлатда ишлаб чиқилади ва таъминловчи компания томонидан касб-хунар коллежларига ўрнатилади. Айни пайтда қишлоқ хўжалиги техникасини ишлатиш ва таъмирлаш йўналиши бўйича маҳаллий жиҳозлардан 80 фоиздан зиёди, шунингдек агрономия, ўсимликшунослик ва чорвачилик йўналишлари бўйича 50 фоиздан зиёд хорижий жиҳозлар таълим муассасаларига келтирилиб ўрнатилади. Бошқа йўналишлар ва умумтаълим фанлари бўйича жиҳозларни эса, 2005 йилнинг апрел ойига қадар келтирилиши кутилмоқда.

Xalqaro hamkorlik

ҳамкасблари билан ўртоқлашишмоқда.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, лойиҳанинг ушбу таркибий қисми Японияда ўтказилган тўртта хорижий ва мамлакат ичидан ташкил этилган учта маҳаллий малака ошириш мақсадларини кўзлайди. УМКХТ Маркази тасдиқлаган мезонларга мувофиқ, хорижда малака оширувчилар махсус ташкил этилган хайъат томонидан сараланди.

Мамлакатимизда 2002-2003 йиллар давомида ташкил этилган малака ошириш тадбирларида эса, 96 нафар директор ва 59 нафар мониторинг ва баҳолаш мутахассислари ишти-

**ТАЪЛИМДА ЧЕТ ЭЛ
ЛОЙИҲАСИ****унинг ўрта махсус, касб-хунар таълими
ривожидан ўрни қандай?**

Бундан бир неча йиллар илгари мамлакатимиз таълим тизимида бошланган туб ислохотлар ушбу соҳа ривожига хорижий инвестицияларнинг ҳам кенг жалб этилишини тақозо этди. Шу боисдан ҳам ҳукуратимиз жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш мақсадида дунёнинг илғор мамлакатлари билан ҳар томонлама ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш борабара мамлакат ижтимоий-иқтисодий соҳасининг муҳим жабҳаси — таълим тизимини рағбат топтириш борасида ҳам амалий саъй-ҳаракатларни бошлаб юборди. Натижада таълим тизимининг барча бўғинларига чет эл сармоялари кириб кела бошлади.

Мамлакатимиз таълим тизимининг ўрта бўғини — ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими ана шундай хорижий лойиҳалар кенг кўламда жалб этилиб келинаётган тизимдир. Айни кунда мазкур тизимда бир неча чет эл лойиҳалари амалга оширилиб келинмоқда. Буларнинг сирасига Осие Тараққиёт Банки ва Япония ҳукуратининг имтиёзли кредитлари асосида молиялаштирилган «Ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш» лойиҳалари, Германиянинг КФВ Банки билан ҳамкорликдаги «Ахборот ва коммуникацион технологиялар соҳасида касб-хунар таълимини ривожлантиришга кўмак» лойиҳаси, Швейцария ривожланиш ва ҳамкорлик агентлигининг «Ўзбекистонда касбий кўрикмаларни ривожлантириш» лойиҳаси, Европа Иттифоқи кўмагидаги «Ўзбекистонда ўқитиш ва таълим соҳасида ижтимоий ҳамкорлик» ТАСИС лойиҳаси ва Япония ҳукуратининг бегараз ёрдами доирасида «Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими ўқитувчиларининг малакасини оширишни такомиллаштириш», Германия техникавий ҳамкорлик ташкилоти (GTZ)нинг «Ўзбекистонда бошланғич касб-хунар таълимини қўллаб-қуватлаш» каби лойиҳаларини киритиш мумкин.

Қуйида ана шундай лойиҳалардан бири — Япония халқаро ҳамкорлик банки (JBIC)нинг UZB-R6 «Ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш» лойиҳаси хусусида сўз юритилади.

коллежлари учун касбга тайёрлашнинг агрономия, ўсимликшунослик ва чорвачилик бўйича фермер хўжаликларини ташкил этиш ва юритиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш, ветеринария, қишлоқ хўжалик машиналари ва жиҳозлари, шунингдек, гидромелиоратив машиналари ва жиҳозларидан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш каби еттита йўналиш бўйича жами қиймати 51 млн. АҚШ долларига тенг бўлган жаҳон стандарти талабларига жавоб берувчи замонавий жиҳозларнинг келтирилиши лойиҳанинг энг катта таркибий қисмини ташкил этади.

Шунингдек, мазкур 50 та касб-хунар коллежи тайёрлов йўналишлари бўйича замонавий тракторлар, токарлик ва пармалаш станоклари, гўшт ва сут маҳсулотлари ҳамда мевасабзавотларни қайта ишлаш ўқув технологик жиҳозлари, соғиш ускуналари, двигател қурилмалари бўйича махсус тренажёрлар каби

га ошира бошлашди. Хусусан, Sumitomo Corporation компаниясининг жиҳозлар бўйича мутахассислари мазкур гуруҳ аъзолари билан 50 та касб-хунар коллежга биноларнинг жиҳозларни қабул қилиб олиш ва ўрнатишга тайёргарлигини текшириш мақсадида таширф буюришди.

Эътиборлиси, шартноманинг умумий миқдоридан 23 фоиз жиҳозлар Ўзбекистонда хусусан, Тошкент трактор заводи, «Чирчиққишлоқ маш», «Ўзбекқишлоқ маш», «Агрохим» қўшма корxonasi, «ЭЛ» ОАЖ, «Подъёмник» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «ТашОР» акциядорлик жамияти каби иш-

**МАЛАКА
ОШИРИШ — АСОСИЙ
МЕЗОН**

Албатта, хориждан келтирилган қишлоқ хўжалиги машиналари ва жиҳозларидан амалда самарали фойдаланиш учун раҳбар ходимлар, ўқитувчилар, муҳандис-педагоглар ва мутахассисларнинг касбий кўникма ва малакасини ошириш муҳим аҳамиятга эга. Шу боис, лойиҳа доирасида ушбу масалага ҳам алоҳида эътибор берилган. 2002-2003 йилларда УМКХТ тизимида фаолият кўрсатаётган жами 106 нафар соҳа ходимлари Японияда бўлиб, у ердаги қишлоқ хўжалик коллежларида олиб борилаётган таълим-тарбия ишлари билан яқиндан танишишди. Эндиликда улар хорижда олган билми ва орттирган тажрибаларини республикадаги бошқа турдош касб-хунар коллежларида ташкил этилаётган семинар-тренингларда



рок этишди. 204 нафар ишлаб чиқариш таълими усталари 2 ҳафта мобайнида 6 та марказий касб-хунар коллежларида ўз малакаларини оширишди.

Ушбу тадбирлар натижасида маҳаллий шароитда малака ошириш учун давлат тилида кўплаб дарсликлар тайёрланди ва чоп этилди. Масалан, таълим муассасалари раҳбарияти учун «Амалий ўқув материаллари», мониторинг ва баҳолаш бўйича мутахассислар учун «Мониторинг ва баҳолаш» қўлланмаси, «Чорвачилик ва ветеринария», «Ўсимликшунослик», «Агрономия», «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш», «Қишлоқ хўжалиги машиналарини ишлатиш ва таъмирлаш» ва «Гидромелиоратив машиналарини ишлатиш ва таъмирлаш» каби 7 та тайёрлов йўналиши бўйича чоп этилган ўқув қўлланмалари ва дарсликлари малака ошириш жараёнида жуда ҳам қўл келмоқда.

Лойиҳанинг юқорида қайд этилган иккита таркибий қисми бўйича ишларни муваффақиятли амалга оширишга кўмаклашиш ёки ташкил этиш учун мазкур лойиҳага қўшимча равишда биноларнинг қурилиши ва реконструкцияси, мониторинг ва баҳолаш бўйича ишлар, «касб-хунар коллежи+бозор» йўналиши доирасидаги ишлар ва жиҳозларни ишлатиш ва уларга хизмат кўрсатиш каби мезонлар киритилди.

Албатта, UNICO Интернейшнл Корпорейшн ҳамда Ўрта махсус, касб-хунар таълими Маркази томонидан лойиҳа талаблари доирасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар бугун ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Зеро, касб-хунар коллежларига замонавий жиҳозларни келтириш асосида мамлакатимизда касб-хунар таълими сифатини ошириш, ўқувчи-ёшларнинг ўқув амалиётларини замон талаблари даражасида олиб бориш усуллари такомиллаштириш Япония халқаро ҳамкорлик банкнинг «Ўрта махсус, касб-хунар таълими ривожлантириш» лойиҳаси асосий мақсадлари ҳисобланади.

Нурлан УСМОНОВ,
«Ma'rifat»нинг махсус
муҳбири

Kuzatuv

Аудитория — олий ўқув юртида талабалар дарс тинглайдиган хона. Якшанбадан ташқари ҳар куни юзлаб аудиторияларда талабалар профессор-ўқитувчилардан 80 минутлик сабоқлар олади. Айрим аудиториялар тўла, айримларида санокли талаба ўтиради. Айрим хоналарда зерикарли ҳолат, айрим аудиторияларда талаба дарс берувчи домладан кўзини узмайди, унинг айтганларини жон қулоғи билан тинглайди, дафтарига нималарнидир ёзиб боради.

Ҳа, олий таълим муассасаларидаги дарс жараёни турлича. Албатта, талаба жонли, баҳс-мунозара уйғотадиган, ўзи учун кўплаб янги маълумотлар берадиган дарс ва семинар машғулотида бажонудил иштирок этади. Аслида ҳам талабанинг ҳар бир дарсда ҳозир бўлиши умумий тартибга хос. Аммо домланинг дарси унга ёқмас-чи, аудиторияда хомуза тортиб ёки хаёлларга берилиб ўтирса-чи?

Биз биринчи тоифа, яъни талабалар тўлиқ иштирок этишга ҳаракат қиладиган дарс муаллифларидан бир нечасининг машғулотларини кузатдик.

Лирик чекиниш ҳам зарур

Бир талай ўқув-услубий материаллар жойланган папкани қўлига кўтарганича дарсга кираётган ўқитувчининг кимлигига қизиқаётгандирсиз? У киши Тошкент давлат иқтисодий университетининг «Иқтисодий таълим педагогикаси» кафедраси мудирини, иқтисод фанлари докторини, профессор Нутфулла Хўжаевдир. Унинг бор, ким йўқ? Дарсининг бошланиш тартиби, аввало, йўқлама. Аслида домланинг дарсига узрли сабаб билан айрим талабалар келмай қолмаса, асосан барчаси жамулжам бўлади. Сўнгра ўқитувчи ўтган соат-

луғатлар, бу соҳага ҳисса қўшган олимлар ижодий фаолияти, юз бераётган барча янгиликлардан хабардор бўлиш мумкин. Шунингдек, электрон дарслик таркиби хоҳ у маърузага, хоҳ амалий машғулотларга тегишли бўлсин, ҳар доим (қайта нашр этилишини кутиб ўтирмасдан) рўй берган янгиликлар билан бойитиб бориш имконияти мавжуд.

Ўқитувчи янги мавзунини эълон қилди: «Кимёвий кенетика». Қийин атамалар ва кимёвий реакция хусусида гапирётган домла кўргазмани қуроллардан бирини танлаб, айтганларини яна бир бор такрорлади. Гоҳо-гоҳо у кишининг соатга қараб қўяётганганлигидан 80 минутлик вақтдан унумли фойдаланиб, талабаларга кўпроқ билим беришга интилаётгани сезилиб турарди. Дарс якунланишига санокли дақиқалар қолганида Собиржон Аминов яқиндагина кафедра олимлари томонидан яратилган навбахтит препаратини хусусида алоҳида тўхталиб ўтди.

Назарий маълумотлар асосида лаборатория иши ўтказилгач, энг муҳим тушунчалар дафтарларга қайд этилди. Маъруза сўнгида электрон дарслик воситасида амалий машғулотлар жонли, ҳаракатли тарзда баён этилди. «Босқичма-босқич талабалар онгига сингдирилаётган мавзу улар хотирасида бир умр сақланиб қолса...» Домланинг хаёлида фақат шу фикр. Зеро,

ДАРСЧИ

ларда топширилган тарқатма материаллар асосида талабаларнинг тайёргарлигини текшириб кўрди.

Профессор янги «Мулкчилик ва унинг турлари» мавзусини шояммасдан, донна-дона қилиб тушунтиришга киришди. Тингловчиларнинг диққати ўқитувчига қаратилган. Улар энг муҳим маълумотларни қайд қилиб боришмоқда. Ўқитувчи маъруза вақтида талабаларнинг диққатини бир жойга тўплаш учун муҳим қисмларни такрорлаб, қисқа-қисқа савол-жавобларга имконият яратмоқда. Сезгир ва талабчан домла аудиториядаги ҳолатни дарров пайқаб оларди. Талабаларда зерикариш аломатлари сезилгандек бўлди. Демак, «лирик чекиниш»га эҳтиёж бор. Мунозарали, бош қотиришга ундайдиган саволни муҳокамага ташлади.

— Экологияси тоза, аммо иқтисодий заиф мамлакат яхшими ёки иқтисоди юксак, экологияси бузилгани?

Битта саволга, агар аудиторияда элик нафар киши ўтирган бўлса, элик хил жавоб эшитиш мумкин.

— Экология яхши бўлса бўлгани!

— Иқтисод яхши бўлса, экология яхшиланади-да!

— Йўқ, экология жойида бўлса, иқтисодни ўзимиз юксалтирамиз. Иқтисодни юксалтиришга эришган мамлакат экологияни ҳам эътиборсиз қолдирмас керак.

«Лирик чекиниш» талабаларни жонлантириб, ўз нуқтаи назарини ифодалашга ундади. Диққат-эътибор яна янги мавзунинг моҳиятига қаратилди. Маърузани тинглаган киши «Ўқитувчи нутқ маданиятини пухта эгаллаган бўлиши керак, бу ҳам бир педагогик маҳорат», деган сўзларнинг айна ҳақиқат эканлигини кўнглидан ўтказиши аниқ. Чунки Н. Хўжаевнинг маърузасида ортиқча сўзлар учрамас, жумлалар силлиқ, мунодор ва бир-бирига мангикан узвий боғланиб кетар эди.

Маъруза охирайвергач, баъзи нарсаларни тушунмай қолган талабалар қўл кўтариб савол беришди. Домла ҳар бир саволга қониқарли жавоб қайтариб, «тушунтиролдимми?» дегандек, ҳамма талабаларга қараб чиқди. Қўнғироқ чалинди. Нутфулла Хўжаев дарс материалларини йиғиштираркан, талабалардан бири боғичли папкага жойлаштирилган қандайдир матнни унга топширди. Бу мақолалар, изланишлар тўплами экан. С. Мусаева томонидан тайёрланган ушбу кичик тадқиқот ўқитувчининг синчков нигоҳидан сўнг катта илмий изланишга айланиб кетса ҳам, ажаб эмас.

Технологияга таянилганда


Тошкент давлат фармацевтика институтида бакалаврият ва магистратура босқичи таълимида ўзига хос технологияларга мурожаат қилинмоқда. Бу ердаги профессор-ўқитувчиларнинг дарс бериш методикалари ҳам ҳар хил. Айниқса, кимё фанлари доктори, профессор Собиржон Аминов томонидан ташкил этиладиган дарс соатлари талабаларга манзур бўлмоқда. Бошқа институтлардан фарқли равишда аудиторияни шоям халатли йигит-қизлар банда этишган. Ўқитувчи столига лабораторияда фойдаланиладиган асбоб-ускуналар жойлаштирилган. Эътиборли жиҳати шундаки, талабалар дарс давомида эҳтиёжларига қараб электрон дарсликдан фойдаланиш имкониятига эга. Мазкур дарслик орқали физик ва коллоид кимёга оид

ҚАНДАЙ

қўзланган мақсад ҳам шунда-да... Соатлар, мавзулар ўтиб кетилаверади, гап талабанинг бундан ўзига керакли тушунчаларни олиб, миясига жойлаштиришида.

Баҳру байтнинг мавриди

Киришга қўнғироқ чалинди. Учинчи жуфтлик соатида 2-курс талабалари. Улар бир оз толиққан, чунки эрталабдан бери икки жуфтлик машғулотда ўтириш-



Қашқадарё вилояти Чироқчи туманидаги 10-иқтисослашган мактаб-интернати география фани ўқитувчиси Мейли Фармонов 50 йилдан буён ўқувчиларга шу фандан сабоқ бериб келиш билан бирга кўпгина китоблар ҳам чоп эттирган. Ушбу ўқитувчининг шоғирдлари орасида фан докторлари ва номзодлари, олимлар етишиб чиққан.
Суратда: Ўқитувчи М.Фармонов навбатдаги машғулотни ўқувчиларга тушунтирмоқда.
Бурҳон РИЗОКУЛОВ олган сурат.

ди. ЎЗМУ ўзбек филологияси факультетининг бешинчи қаватидаги аудиториялардан бирида «Мумтоз адабиёт» дарси бошланди. Ботирхон Акрамов ҳақида эшитмаган талаба йўқ, ҳисоби. Бугун у кишининг дарси! Аудиторияга кириб келиши билан навоийшунос олимнинг салобати босдим, хонага сукунат чўқди. Салом-алиқдан сўнг «Навоийни англамагунча ўзимизни, ўзлигимизни англаш мумкин эмас», — дея дарсини бошлади профессор. Бугунги дарсда талабалар «Навоий лирикаси», жумладан ғазалиётдан баҳраманд бўлишади.

Маъруза давомида шу нарса аён бўлдики, Навоий ғазалларининг мавзу доирасини 4 гуруҳга (бу зукко файласуф шоир ва олим Шайхзодадининг таснифи) ажратиш мумкин: ошиқона, орифона, риндона, қаландарона ғазаллар. Домла аввал ошиқона ғазаллардан ўзгача завқ-шавқ билан мисоллар, шоҳбайлар келтирди. Улуғ бобомизнинг гоҳ у, гоҳ бу ижодий меросини, инсоний фазилатларини санаб адо қила олмаётган профессор бир оз уйга толди. «Навоийни ўрганиш учун ҳам махсус тайёргарлик кўриш керак. Ҳазратнинг ижоди мисоли бир уммон, уни тадқиқ этиш осон иш эмас».

Бир қараганда домланинг юзида мамнуният пайдо бўлар, бир қарасангиз кўзида ёш ҳалқалангандек тингловчиларга назар ташларди. Маърузани тинглаган талаба Навоий ижодини чуқур ўрганишни истаб қолиши табиий ва улар шу ишга қўл урсалар, ҳаётда кам бўлмас эдилар. Маъруза тугаб қолишини гўёки ҳеч ким истамасди. Сўз даҳосининг номаълум қирралари маълум бўла бошлади ва дафтарларга нималардир қайд этилди. Ғазаллар ёд олиш учун уйга вазифа қилиб берилди.

Бу топшириқ талабаларга оғирлик қилмасмикан? Худди хаёлимдан шу фикр ўтганини сезгандек, улардан бири қўл кўтариб, «Қора кўзим», «Кеча келгумдир дебон», «Ўн саккиз минг олам» сингари ғазалларни мактабдаёқ ёд олганини айтди. Илҳомланган талабалар икки гуруҳга ажралиб, Навоий ижодий мероси юзасидан мушоира, баҳру байт айтишга киришдилар.

— ...Ҳам ёмоним лутф ила яхши қил,

Бўлди чу ул яхши-қабул айлагил.

Яхши гар ўлмаса, ёмон ҳам эмас,

Ёмоним ким яхши бўлса демас?..

— Сен-не ёздинг, ани рақам қилдим,

Шак эмасдурки, саҳв ҳам қилдим...

...Ҳар не қилким вараққа ёзди бу кун-

«Кими тақдир» ёзмиш эрди бурун...

— Мени жуда хурсанд қилдинглар. Аммо, бу жуда

ЎТМАСМИЗ?

кам. Навоий яшаган даврда бундай баҳру байтларга камида 40 минг мисра шеърни ёддан айтган кишиларгина иштирок этгани ҳақида сиз билмайсиз. Навоий ғазалларидан хиргойи қилиб берсам, нима дейсизлар!

Домла куй сеҳрига монанд тебранган кўйи «Навоирун ниҳоя»дан куйидаги сатрларни айта бошлади:

«Ё Раб, ул юзни даме кўзимга пинҳон айлама,

Ё кўзимни андин ўзга юзга ҳайрон айлама...»

Бу ғазаллар нақадар мусиқий, оҳангдор, дилтортар бўлмаса.

Қўнғироқ чалинди... Ташқарига чиқарканман талабалар галма-галдан дарсга баҳо бера кетишди.

— Вақтнинг қандай ўтганини билмай қолдиг-а.

— Навоийни тушунмаслик бизнинг энг катта нуқсонимиз.


— Кейинги дарсимиз қачон бўларкин?..

— Қани эди, бошқа домлалар ҳам шу кишига ўхшаб дарс ўтса.

Хулосага ҳожат йўқ.

Уч ҳамкасбнинг 80 минутдан иборат дарслари тингловчиларга қанчалик самара бергани хусусида башорат қилиш қийин. Чунки дарс ўтувчи битта, тингловчилар кўп сонли ва уларнинг қабул қилиш даражаси ҳам бир хил эмас. Тилга олинган манзилларнинг «Энг яхши дарс ўтувчи профессор» дея эътиборли этилган ўқитувчилари ҳақида эса, битта яқдил фикримиз бор: уларнинг дарслари талабада эътироз туғдирмайди, баҳс-мунозарали дарс бўлгач, ҳеч ким ухлаб ёки газета-журнал ўқиб ўтиришига ўрин қолмайди. Қани эди, ҳамма домлалар ҳам улар каби дарс ўтиш методикасига эга бўлишса, тайёрланаётган кадрларнинг эртанги тақдири ҳақида шикоят қилишга асос бўлмас эди...

Азиз НОРКУЛОВ,
«Ma'rifat» мухбири



лари аниқ мисоллар орқали
эритиб берилди.

Маълумки, ўтган аср бошларида жадидлар ўсиб келаётган ёш авлодни илм-маърифатли қилиш йўлида янги усулдаги мактаблар очишган. Бироқ ўша пайтда мактабларда ўқитиш учун дарсликлар етарли эмасди. Маърифатпарварларнинг кўзга кўринган намоёниси Абдулла Авлоний бу муаммони ечиш учун бир қанча дарсликлар яратди. «Биринчи муаллим», «Иккинчи муаллим», «Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ» асарлари шулар жумласидандир. Раҳматулла Баракаев бу асарларнинг ҳар бири ҳақида тўлиқ маълумот бериш билан бирга



ЭЛЕКТРОН ВАРИАНТИ ҲАМ ТАРҚАТИЛДИ

Профессор Баҳодир Ҳошимов томонидан ёзилган «Бухгалтерия ҳисоби назарияси» дарслиги айнан шу соҳа муаммоларига бағишланган бўлиб, бугунги кун талаблари асосида илк бор тайёрланган ўқув адабиётларидан ҳисобланади.

Ушбу дарслик янги талаблар асосида яратилганлиги билан диққатга сазовордир. Китоб таркибий тузилишига кўра ўн бобдан иборат бўлиб, ҳар бири якунида тест топшириқлари, ўз-ўзини текшириш учун саволлар, адабиётлар рўйхати келтирилган.

Бухгалтерия ҳисобининг моҳиятини чуқурроқ тасаввур этиш учун унинг тарихий ривожланиш босқичлари таҳлил қилинган. Бунда муаллиф хориж ва республикамиз назариятчи олимларининг илмий асарларидан ўринли фойдаланади. Дарсликнинг биринчи бобида бухгалтерия ҳисобининг ўрни чуқур асослаб берилган. Унинг муҳим ютуқларидан бири, молиявий ҳисоботнинг ҳукуматимиз томонидан тасдиқланган сўнги шакллари келтирилганида бўлса, иккинчиси, Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандартини корхоналар амалий маълумотлари асосида батафсил тадқиқ этилганлигидир.

Ушбу дарсликнинг рус тилидаги варианты ҳам тайёрланган ва ўқув қўлланма сифатида ўқувчилар ҳуқуқига ҳавола қилинган. Унинг электрон варианты эса, Тошкент молия институтининг интернет тармоғидаги сайтга жойлаштирилган.

Китоб олий ўқув юртлари ора илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан дарслик сифатида тасвир этилган.

М.ТўЛАХЎЖАЕВА,
Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерлар
ва аудиторлар миллий ассоциацияси
раиси, иқтисод фанлари доктори,
профессор

К.Х.Абдурахмонов

МЕҲНАТ
ИҚТИСОДИЁТИ

Дарслик

ЯНГИ КИТОБ — ЯНГИ ҚАДАМ

Давлатимиз янги ижтимоий-иқтисодий муносабатларни жамиятимиз ҳаётига синдираётган бир пайтда, меҳнат тўғрисида илмий-амалий тушунчаларга эга бўлиш, меҳнатнинг инсонлар муносабатларидаги объектив ўрни муҳимлигини исботлаб бериш лозим. Лекин, бу муҳим иқтисодий ва ижтимоий муаммо бўйича дарслик тайёрлаш осон эмас. Етук олим, иқтисодчи Қаландар Абдурахмонов тайёрлаган «Меҳнат иқтисодиёти» дарслиги кўп иқтисодчи мутахассислар, айниқса, иқтисод йўналишидаги олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари учун тўхфа бўлди.

лари илк бор қўл урганликларини қувонардир.

Иқтисодий фанларнинг бугунги мурракб томонларидан бири, айрим ибора ҳамда фикрларни ўқувчиларга етказиб бериш услубларининг тақомиллашмаганлигидир. Шу нуқтаи назардан «Меҳнат иқтисодиёти» дарслигининг ўрни ва аҳамияти жуда баланд.

Дарсликнинг яна бир муҳим янгилigi, ҳар бир жадвал ва чизмалар бевосита дарс жараёнида видео ва электрон услублар орқали аудиторияда ҳамда компьютер ёрдамида ўрганишига имкон туғдиради.

Раъно УБАЙДУЛЛАЕВА,
академик

«ОРЗУЛАР ҚАНОТИДА»

Ёш шоира Нозлигул (Гулноза Азимова)нинг «Орзулар қанотида» номли тўпламига Ватан, Она, Табиат мавзуларидаги шеърлари киритилган. Унинг сатрлари кишини бефарқ қолдирмайди.

Устозига бағишлаб ёзган дил сўзлари, сокин куз, мажнунтол ҳақидаги мисралари кўнглига яқин.

**Тоннинг илиқ шабнам
Ўйларди у ҳар нафас.
Туйғулари бир олам,
Фақат, тун ёришса бас, —**

деб ёзади Нозлигул «Умид» номли шеърда. Қисқаси, тўпламдаги шеърлар ўқувчи қизнинг порлоқ эртасига умид уйғотади.



КАРБАЛО ФОЖЕАСИ ВА БАДИИЙ ИЖОД

Собир Сайқалий Ҳисорийнинг «Равзат уш-шухадо» («Мовароуннахр», 2004) қиссаси илк бора кирилл алифбосида нашр этилди. Асарни сўз қадрига етадиган китобхонлар учун муносиб тўхфа бўлди, дейишимиз мумкин. Мумтоз адабиётимизнинг нодир намуналаридан саналган мазкур асар адабиётшунос олим, халқаро

Аҳмад Яссавий муқофоти соҳиби Сайфиддин Сайфуллоҳ ҳамда америкалик тадқиқотчи Довуд Хунзикарлар томонидан нашрга тайёрланган. Тадқиқотчилар қўлёзмаларни муқояса қилиб, таққослаш натижасида асл нусхасини тақдим этишган. Баъзи арабий ва форсий сўзларнинг лугати,

изоҳлари ҳам илова этилган.

«Равзат уш-шухадо» соф тарихий қисса бўлмаса-да, ҳақиқат билан шоир мушоҳадаси, халқона тасвир руҳи қоришиб, асар жозибали руҳ касб этган. Воқеликлар гўзал иборалар, ғазал ва мухаммаслар билан бойитилган.

ЖУРНАЛИСТЛАР УЧУН ЯНА БИР ҚЎЛЛАНМА

Айни кунларда ахборот олиш манбалари ва тарқатиш воситалари кўпайган. Оммавий ахборот воситалари ходимлари эса, ахборот олиш ва уни тарқатиш сирларидан ҳаммадан кўпроқ бохабар бўлишлари лозим. Жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзосига айланиб улгурган Ўзбекистонда ҳам журналистлар ахборот алмашишининг халқаро меъёрларига риоя қилиши керак.

Бундан бир қанча вақтлар аввал бўлажак журналистлар, дипломатлар, халқаро соҳада фаолият олиб борувчи мутахассислар учун ўқув адабиётлари, қўлланмалар жуда кам эди.

Тошкент давлат шарқшунослик институтининг халқаро алоқалар, сиёсатшунослик ва ҳуқуқ кафедраси доценти, филология фанлари доктори Мухаммад ал Бухо-



рийнинг «Халқаро ахборот алмашуви муаммолари халқаро алоқаларнинг замонавий шароитида» номли китоби халқаро журналистика ҳамда иқтисодий муносабатлар факультети талабалари, аспирантлар, кенг жамоатчиликка мўлжалланганлиги билан аҳамиятлидир.

Муаллиф, аввало, ўқувчиларга халқаро ОАВлар ҳақида маълумот бериб, халқаро журналистика ва унинг вазифасига тўхталиб ўтади. Халқаро журналистика муаммолари ва халқаро зиддиятлар ҳам ўқувчига тушунарли тарзда очиб берилган.

Рисоланинг яна бир эътиборли жиҳати шундаки, унда бутун дунёдаги етакчи халқаро ахборот агентликлари бирма-бир санаб ўтилган ва уларнинг иш тажрибалари ёритилган.

Шарифа МАДРАҲИМОВА



лар ҳам, катталар ҳам ўз ҳаётларини унда кўрадилар.

Яқинда «Ижод дунёси» нашриёт уйи Феруза Жалилованинг «Маҳалламиз болалари» номли шеърый тўпламини чоп этди. Китобдаги ҳар бир шеърга рассом Нодира Мирзаева гўзал суратлар чизиб берган. Шеърларни ўқир экансиз, лабингизда ним табассум пайдо бўлади. «Хола-хола» ўйини ўйнаб, уч дугонанинг меҳ-

ни, Эркиннинг «балиқларга мазза-да, ювиниши шарт эмас» деб ўйлаши, Билоннинг ошхонада тарақ-туруқ қилиб «ҳамма идиш-товоқни чўмилтираётгани» ҳақидаги шеърлар болаларнинг ширин тилидан олиб ёзилган. «Ўзбекистоним», «Болажон», «Орзуларим бир олам», «Маҳалламиз болалари» каби шеърлардан эса, синфдан ташқари ўқиш, мустақил ўқишда фойдаланиш мумкин. Китобдаги «Тадбиркор

«ТУШЛАРИМГА ШЕРИК ҚИЛАМАН...»

Инсон болаликнинг беғубор, ширин онларини улғайгани сари кўпроқ эслар ва қўмсар экан. Болалар шоираси, «Тонг юлдузи» газетасининг бош муҳаррир ўринбосари Феруза Жалилованинг шеър ва ҳикояларини кўпгина болалар излаб ўқшади. Бу шеърлар қувноқ ва соддалиги билан китобхонни мафтун этади, бола-

монларга аталган қанд-курсни еб кўйиши, Нонининг онасига «менга яқинроқ ётсангиз, сизни тушларимга шерик қиламан, тундаги қизик тушларимни қўриб мазза қилиб қуласиз» дейиши, Фанининг папкасига нон, қанд, майизни солиб, китобдафтарини унутиб қолдирга-

бола», «Азиз-жонинг ҳикояси», «Олапар», «Бир оғиз ширин сўз» ҳикоялари ҳам мароқ билан ўқилади.

Ўйлаймизки, ушбу китоб кўпчиликка манзур бўлади.

Маҳмуда ЗОИРХОН
қизи

БУНИ БИЛГАНГА НЕ ЕТСИН!

Сизни «Менежер ким? Ким менежер бўлиши мумкин? Яхши раҳбар бўлмоғи учун у нима қилмоғи керак?» сингари саволлар қийнаётими? Унда Н. Аҳмадхўжаев, К. Мирдадаев, О. Қозоқовлар томонидан нашрга тайёрланган «Менежмент ва стратегияни бошқариш» қўлланмасидан фой-

даланинг, барча саволларингизга жавоб топасиз.


Ҳозирги замон менежмент назарияси ва амалиётига асослашиб, касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларига, малака ошириш курслари ва бизнес мактаби тингловчиларига мўлжалланган мазкур дарслик «Илм зиё» нашриётида чоп этилган. Унинг

моҳияти ва хусусияти — ишлаб чиқаришни жадаллаштириш, самарадорликни ошириш, тизимни тақомиллаштириш масалалари ҳамда бошқарув таркиби, халқ хўжалигининг барча бўғинларида бошқариш масалаларини ўрганишдир. Муаллифлар китобни ёзиш асносида ривожланган мамлакат-

ларда чоп этилган бошқарувга оид адабиётлардан фойдаланишган. Хорижлик олим ва мутахассисларнинг илмий ишлари ҳам назардан четда қолмаган. Мутолаа давомида талабалар фақат ўқув материалларига оид маълумотларинигина эмас, муаммоларни масалаларни ҳам

ўрганадилар. Ўқитувчиларга ёрдам тариқасида зарур жадваллар, муҳим чизмалар бериб берилган. Болалар сўнгидеги назорат саволлари ўқувчиларнинг мавзуларни мустаҳкамлаб боришларида муҳим аҳамиятга эга. Иқтисодий атамалар лугати эса, назарий билимларни амалиётда қўллаш имкониятини бир қадар кенгайтиради.

Азиз НОРҚУЛОВ



БОЛАЛАРНИ АСРАЙЛИК

Хар кеча-ю кундузда Ер куйрашида уруш ёки террорчилик хуружлари натижасида 547 нафар бола дунёдан кўз юмади. Хар йили эса, куйида кўрсатилган сабаблар оқибатида 200 минг бола ҳалок бўлади. Аини шу рақамларни яқин кунларда ЮНИСЕФ ташкилоти тарқатди. Италияда бўлиб ўтган Умумжаҳон аёл депутатлар конференциясида ҳам шу мавзуда мунозаралар бўлиб ўтди. Кенгаши Италия президенти




Карло Адзелло Чампи очди.

Депутат Тициана Вальпиани болалар тақдирига боғлиқ муаммоларни олға суриб, йилига 10 минг бола уруш ўчоқларида яширинган миналар портлашларидан қурбон бўлишини айтди. Шу билан бирга охириги 10 йил ичида 2 млн. бола турли урушларда қурбон бўлган. 20 миллиони эса урушлар, ҳарбий тўқнашувлар сабабли қочоқларга айланган. Бир миллиондан ортиқ бола ота-онасидан айрилиб, етимликда кун кечирмоқда. Дунёнинг 40 дан ортиқ мамлакатларида 25-30 фоиз балоғат ёшига етмаган қизлар турли ҳарбий ҳаракатлар ва куролланган ғуруҳларга қўшилиб, жанг қилмоқда.

Депутатларнинг эътирофи этишича, халқаро трибунал болаларни жанговар ғуруҳларга жалб қилаётган кимсаларни тартибга чақиритиш керак. Конференция баёноти "La Repubblica" газеталари саҳифаларида чоп этилди.

ЯНГИ ИХТИРО

АҚШ олимлари гаройиб феноменга дуч келишди. Ер юзиде яшаётган 0,002 фоиз одамларда ўзгаларнинг ёлғонларини аниқлаш хусусияти мавжуд экан. Сан-Франциско университети олимларининг тадқиқотлари билан ҳозирда йирик банклар, катта корхона раҳбарлари ва махсус хавфсизлик хизмати ходимлари қизиқиб қолишди. Ёлғон гапирётган инсонларни тезлик билан аниқлайдиган истеъдод эгалари, ҳозирда энг мукаммал аппаратлардан ва детекторлардан яхши ишлашади. Масалан, ҳозирда мавжуд полиграфлар ва замонавий аппаратлар фақатгина 70 фоиз ҳақиқатни аниқлаши мумкин. Ёлғонни аниқловчи



туғма истеъдодларда эса бу кўрсаткич анча юқори. Бу ҳақда ИТАР-ТАСС ахборот агентлиги хабар тарқатди. Ёлғонни аниқловчи инсонларнинг айтишича, инсоннинг юзларидан, ҳаракатларидан ва умумий ҳолатларидан унинг рост ёки ёлғон гапирётганини билиб олиш мумкин. Бунда мулоқот жонли бўлиши шарт эмас. Аниқлаш видеотасвир воситалари орқали амалга оширилиши мумкин.


"ҚОРА ОЛТИН"НИНГ НАРХИ ОШИБ БОРМОҚДА

Нью-Йоркдаги товар-мол биржасида сўнги, яъни биржа ёпилишига яқин соатларда бир барел нефтнинг нархи 54,93 доллар миқдорида тўхтади. Бу кўрсаткич бир неча кун аввалги нархлардан 17 центга баланд деб хабар беради "НьюСпу" интернет сайти. Биржанинг 21 йиллик фаолияти давомида ушбу нархлар рекорд ҳисобланмоқда. Соҳа мутахассисларининг айтишича, шу йилнинг ўзида Нью-Йорк биржасида нефтнинг нархи 80 фоизга ошган. Биржа трейдерларининг айтишига қараганда, йилнинг охирига бориб бир барел нефтнинг нархи 60 долларга етиши мумкин.



ХИТОЙДА КОСМИК КАПСУЛА ҚУЛАБ ТУШДИ

Хитойнинг Синчуань ҳудудидаги бир хонадоннинг томорқасига мамлакат фазони ўрганиш агентлиги томонидан учирилган сунъий Ер йўлдошининг қўниш капсуласи кулаб тушди. Фақатгина бахтли тасодиф натижасида ҳеч ким қурбон бўлмади. Уй эгасининг айтишича, унга моддий зарар етган, аммо у жуда хурсанд. Чунки бундай бахта ҳамма ҳам муяссар бўлавермайди.



Расмийлар Хитойда мавжуд қўниш технологиялари хатоликка йўл қўймастлигини эътироф этишди. Шунга қарамасдан капсула ўз йўналишидан биров адашиб кетган. Аппаратга ҳеч қандай жароҳат етмаган. Агентлик мутасаддилари сунъий йўлдошининг қўниш қисмини кейин яна ишлатиш учун олиб кетишган.

Интернет манбалари асосида **С.ФАЙЗУЛЛАЕВ** тайёрлади.

Маълумот: инсон буйраги ўз оғирлигининг 0,4 фоизини ташкил этади; қондаги "чиқинди"ларни тозалайди; организмдаги суюқлик ва туз миқдори мутаносиблигини бошқаради; умумий қон миқдори ва артериял босимга доимий таъсир этиб туради; организмга кираётган кислороднинг 10 фоизини "ютади"; соғлом организмда бир минутда 95-155 миллилитр қонни тозалайди.

Анавекар Нагеш раҳбарлигидаги таниқли олимлар гуруҳи юрак-қон томир хасталигига чалинган 14000 миждозни тиббий кўриқдан ўтказиб, мазкур касаллик билан оғриган

ИНСОН-МУЪЖИЗА

ёки одам аъзоларининг бир-бирига чамбарчас боғлиқлиги хусусида

беморларда буйрак хасталиклари асорати оғир кечишини аниқладилар.

Олимлар илмий тадқиқотлари натижасида буйрак хасталигига чалинган кишиларда юрак инфаркти оғир кечишининг сабабларини эълон қилдилар. Унга кўра, аниқланган захоти тезкор тиббий муолажаларни бошлаш талаб этиладиган касаллик бўлган буйрак хасталиклари — нефрит ва нефроз вақтида киши организмнинг ҳолати (ҳам жисмоний, ҳам руҳий жиҳатдан) ёмонлашади. Бу вақтда буйрак бир минутда 60 миллилитр қонни филтрлаш имкониятига эга бўлиб, юракнинг бир меъёрада ишлаши учун етарли миқдорда тозаланган қонни етказиб бера олмайди. Буйракнинг гломеруло-нефрит, пиелонефрит, нефроз каби касалликлари қон таркибини ренин деб аталадиган модда билан таъминланишини сусайти-

ради. Ренин жуда фаол фермент, яъни биокатализатор бўлиб, юрак мускулларини қувватлантирувчи ангиотензиногенни ҳосил қилади, артерия босимининг кўтарилишига йўл қўймайди. Аксинча, буйрак фаолиятининг бузилиши қонда токсик моддалар миқдорининг ортишига олиб келади. Мутахассислар буйрак ва юракнинг аини шундай ўзаро боғлиқ ҳолдаги касалланишини касалликнинг янги тури сифатида эътироф этиш ва уни номлаш хусусида мулоҳазалар билдиришмоқда. Бугунги кунда биргина АҚШда бундай беморлар сони 11 миллиондан ортиб кетди.

Ф.КАРИМОВ тайёрлади

Мирзо Улуғбек номидаги ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ бўш(вакант) профессор, доцент ва катта ўқитувчи лавозимларига битим асосида ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

"Иқтисодиётда математик методлар" кафедраси профессори, доценти ва катта ўқитувчисига

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Ректор номига ариза.
2. Ходимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа.
3. Олий маълумоти, илмий даражаси ҳақидаги дипломлар, илмий унвони ҳақидаги аттестат нусхалари.
4. Илмий ишлари рўйхати.

Танлов мугдати эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой.

Манзилгоҳ: Тошкент-174, Талабалар шаҳарчаси, ЎзМУ, кадрлар бўлими. Тел.: 460392.



QUTLOV

Хурматли устозимиз Акрам РЎЗИКУЛОВ!

Сизни 55 ёшга тўлганингиз билан табриқлаймиз. Мактабда кимё, биология фанларидан бизларга берган сабоқларингиз учун Сиздан ҳамми ша миннатдоримиз. Сизга узоқ умр, бахт-саодат ва доимо соғлиқ-саломатлик тилаймиз.

Чироқчи туманидаги 58-мактаб ўқитувчилари, шогирдларингиз ва фарзандларингиз



А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИнинг 2004 йилнинг ноябрь ойи учун халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курслари режаси		
№	Курс тингловчиларининг тоифалари	Муддати
1.	Туман (ш) ХТБ мудир муовинлари	1-13 ноябрь
2.	"Давлат ва ҳуқуқ асослари" фани ўқитувчилари малака ошириш курси учун маърузачилар тайёрлаш курси	8-13 ноябрь
3.	Туман (ш) ХТБ методистлари учун "Кутубхоначилик янги технологияси ва инновацион методларни амалиётга тадбиқ этиш" бўйича муаммоли тренинг ўтказиш	1-13 ноябрь
4.	Туман (ш) ХТБ юқори синф (6-7) методистлари учун ИПТ ва рейтинг тизимини қўллаш бўйича маърузачилар курси	1-13 ноябрь
5.	Ташхис маркази дефектологларидан маърузачилар тайёрлаш махсус курси	1-13 ноябрь
6.	Ташхис марказлари психологлари махсус курси	15-27 ноябрь
7.	Туман (ш) ХТБ инсон хавфсизлиги асослари фани бўйича методистлари	15-27 ноябрь
Умумий ўрта таълим мактаб директорлари мутахассислик фанлари бўйича		
8.	Ўзбек тили ва адабиёти	1-27 ноябрь
9.	Тарих - география	1-27 ноябрь
10.	Рус ва хорижий тиллар	1-27 ноябрь
11.	Ёш директорлар	1-27 ноябрь
12.	Физика-умумтехника фанлари	1-27 ноябрь
13.	Математика-информатика	1-27 ноябрь
Махсус таълим муассасалари ходимлари		
14.	Кўзи ожиз болалар коррекцион фан ўқитувчилари	1-13 ноябрь
15.	Ёрдамчи мактаб она тили ўқитувчилари	15-27 ноябрь
Мактабдан ташқари таълим муассасалари директорлари		
16.	Спорт мактаби директорлари	1-20 ноябрь
Эслатмалар:		
1. Тингловчилар институт меҳмонхонасига жойлашадилар, институт кутубхонаси ва кироатхонасидан фойдаланадилар. Сафар харажатлари институт ҳисобидан тўланади. Йўл харажатлари фақат давлат транспортларининг чипталари асосида тўланади. Курсларда машғулотлар ўзбек тилида олиб борилади. Таниқли педагог олимлар, ДТС ўқув дастури, дарсликлар ва ўқув методик қўлланмалар муаллифлари, Республика Маънавият ва маърифат маркази масъул ходимлари билан учрашувлар ўтказилади ҳамда Темурийлар тарихи Давлат музейига ва бошқа зиёратгоҳларга экскурсия уюштирилади.		
2. Тингловчиларнинг сафар гувоҳномасида юқорида қайд қилинган курсларнинг қайси бирига юборилганлиги ҳамда лавозими аниқ кўрсатилган ва улар режада кўрсатилган муддатларда этиб келишлари шарт.		
3. А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ қошидаги санаторий-профилакторийга Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар қасаба уюшма кўмитаси томонидан берилган пул ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжат асосида қабул қилинади.		
4. Хохловчилар профилакторийнинг ўзидан нақд пулга йўлланма сотиб олишлари мумкин.		
Манзил: Тошкент-95, Талабалар шаҳарчаси, Саидов кўчаси 6-уй. Транспортлар: Жанубий вокзалдан 131-автобуснинг Талабалар шаҳарчаси бекатигача ҳамда Шимолий вокзалдан Беруний метро бекатигача.		

"Бошланғич таълим" журнали жамоаси журнал адабий ходими Сайёра Суннатовага укаси **ЭРНЕСТ**нинг бевақт вафот этгани муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.